O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

АДОЛАТ ҲАР ИШДА ҲАМРОҲИМИЗ ВА ДАСТУРИМИЗ БЎЛСИН!

ИНСОН ВА ҚОНУН

2001 йил 4 ДЕКАБР сешанба № 49 (253) Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

БУЮК КЕЛАЖАКНИНГ ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОРИ





8 декабр — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИ қабул килинган кун

Ҳеч бир давлат ўзининг Асосий Қонунида давлат ва жамият қурилишининг тамойилларини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият тараққиётининг иқтисодий асослари ва стратегик йўналишларини мустаҳкамламасдан туриб, ҳақиқий суверен давлат бўла олмайди.

Ислом КАРИМОВ

Дунёда ўз тараққиёт йўлини ўзи мустақил равишда белгилайдиган ҳар бир давлат, халқ ва миллатнинг қиёфаси, қураётган жамиятининг маъно-моҳияти ва мақсади энг аввало, унинг Конституциясида ўзининг теран ифодасини топади.

Бу бежиз эмас, албатта. Чунки мустақил давлат Конституциясида айрим табақа ёки гуруҳларнинг эмас, балки бутун халқнинг асрий интилишлари, орзу-умиди ва келажак тараққиёт йўли тўла ифода этилади. Шу маънода истиқлол Конституциямизнинг қабул қилиниши Президентимиз таъкидлаганидек, мамлакатимиз ҳаётида улкан сиёсий воқеа, янги ўзбек давлатини қарор топтириш жараёнидаги муҳим қадам бўлди. Конституция суверен давлатимизнинг қонунчилик — ҳуқуқий негизини шакллантиришнинг асосий пойдевори, мустақил давлатчилигимизнинг тамал тоши ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Бош Қомусимизда халқимиз барпо этаётган эркин фуқаролик жамият, ҳуқуқий демократик давлатнинг шаклу шамойили, ижтимоий-иқтисодий тараққиётимизнинг стратегик йўналишлари аниқ-равшан белгилаб берилган.

Бир сўз билан айтганда, Конституциямизда мамлакатимизнинг ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўли, халқимизнинг менталитети аниқ акс этган. Шундан келиб чиқиб, Конституциямиз халқимизнинг тарихий тафаккури маҳсули десак, асло хато бўлмайди.

Энг муҳими, ўтган қисқа давр ичида Бош қомусимиз юртимизда қонун ижодкорлигининг юзага келишига мустаҳкам замин яратди. Бу фикрнинг исботи тариқасида истиқлол йилларида Парламентимиз томонидан 400 га яқин қонунларнинг қабул қилинганини келтириб ўтиш ўринлидир.

Ўтган 9 йил Конституциямиз учун назарий ва амалий жиҳатдан синов даври бўлди. Эътиборли жиҳати шундаки, бу вақт мобайнида Бош Қомусимизнинг халқ манфаатларини ҳар жиҳатдан ҳимоялашга қодир, демократик тамойилларга тўла жавоб бера оладиган адолатли қонун ҳужжати экани амалда ўз тасдиғини топди. Унда халқимизнинг ер ва мулк, тадбиркорлик, фуқаролик — қўйингки, барча ҳуқуқлари қонуний кафолатланган. Бунинг асосий сабаби унда ўзбек халқининг қадимий анъаналари, миллий қадриятлари, урф-одатлари, давлатчилик тажрибасига суянган ҳолда умумбашарий демократик тамойиллар мужассам бўлганлигидир.

Қуйида жамиятимиз ҳаётида улкан сиёсий воқеа бўлган Бош Қомусимизнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақидаги фикр-мулоҳазалар ҳавола этилади.

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

Акмал САИДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси

Ўзбекистон Конституцияси халқимизнинг том маънодаги аклидроки самарасидир. Чунки унда халқимизнинг орзу-умидлари, буюк мақсадлари акс эттирилган. Президентимиз таъкидлаганларидек, унинг лойиҳаси устида тахминан икки йил давомида ишладик. У икки ярим ой мобайнида умумхалқ муҳокамасидан ўтди, халқнинг фикр-хазинаси дурдоналари билан бойитилди, сайқал топди. Асосий Қомусимизда фуқароларнинг аҳиллиги, халқимизнинг энг яхши фазилатлари ўз аксини топган.

Конституциямиз энг илғор ғояларни ўзида жо этганини, унинг энг демократик анъаналар асосида яратилганини бугунги кунда бутун жаҳон эътироф этмоқда.

Мустақиллик Қомусимиз 6 бўлим, 26 боб ва 128 моддадан иборат. У ўз ички тузилиши билан жаҳон конституциявий амалиётига тўла мос келади. Инсон-жамият-давлат тушунчалари уйғунлиги унинг асосий мантиқий йўналишини ташкил этади.

Хўш, нима учун Асосий Қонунимизни мустақил давлатнинг биринчи Конституцияси деймиз? Бундай дейишга бир қанча сабаблар бор.

Биринчидан, мамлакатимиз ўз давлат мустақиллигига эришганидан сўнг муқаррар равишда ўзининг Асосий Қонунини қабул қилишга зарурат туғилди. Чунки ҳар қандай мустақил давлат ўз Конституциясига эга бўлиши табиий бир ҳол эди.

Иккинчидан, биз бозор иқтисодиёти томон одимлаб борар эканмиз, натижада тубдан янги иқтисодий тизимга ўта бошладик. Жамиятнинг сиёсий, иқтисодий, маънавий ҳаётига оид энг асосий масалалар Конституция томонидан тартибга солиниши зарур эди.

Учинчидан, қабул қилинган Конституция зарратнинг тақозосига кўра бирон-бир тайёр андозадан кўчирмачилик йўли билан эмас, балки жаҳон ҳамда тарихий конституциявий тажриба ва амалиётдан келиб чиқиб яратилди.

Тўртинчидан, Асосий Қомусимизда сўнгги йилларда мамлакатимизда жорий этилган ва ҳаёт тажрибасидан ўтган янги конституциявий институтлар ўз аксини топган. Бундай институтлар жумласига Президентлик бошқарув шакли, ҳокимлик институти, Конституциявий назорат, сайлов тизимидаги ўзгаришлар, кўппартиявийлик, мулкчилик шаклларининг хилма-хиллиги ва ҳоказолар киради. Шу сабабларга кўра Асосий Қонунимизни чиндан ҳам мустақил давлатимизнинг биринчи Конституцияси деймиз.

Энди Асосий Қонунимизнинг олдинги Конституциялар ва бошқа давлатларнинг Конституцияларидан ажралиб турадиган ўзига хос жиҳатлари хусусида мулоҳаза юритсак. Улар қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, Бош Қомусимиз ўзининг туб моҳияти ва фалсафаси, мақсадлари ва ғояларига кўра янги ҳужжатдир. мамлакатимиз олдинги Асосий Қонунлари биз собиқ иттифоқ таркибида қоғоздагина "мустақил" бўлган давлатнинг Конституциялари эди. Ушбу Қомусимиз эса биринчи моддасидан то охирги моддасигача мустақиллик ғояси билан суғорилган.

Иккинчидан, Асосий Қонунимиз ўзининг ички тузилиши ва янги конституциявий институтлари билан ҳам ажралиб туради. Бунда 1991 йили қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида"ги Конституциявий қонун муҳим мезон бўлиб хизмат қилади.

Учинчидан, Бош Қомусимиз бошқа конституциялардан фарқли ўлароқ, ўта мафкуралаштириш ва сиёсатлаштириш руҳи билан суғорилмаган. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, "Унда коммунистик мафкура, синфийлик, партиявийликдан асар ҳам йўқ". Унда дунёвий неъматлар орасида энг улуғи — инсон деган фикр илгари сурилган ва шу асосда "Фуқаро-жамият-давлат" ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг оқилона ҳуқуқий ечими топилган. Умумбашарий инсоний қадриятлар биз қураётган ҳуқуқий давлат ва демократик, адолатли фуқаролик жамиятининг асоси бўлмоғи керак.

Тўртинчидан, Асосий Қонунимиз жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилган халқаро ҳуқуқ талаб ва қоидаларига жавоб берадиган тарзда яратилган. Унда мамлакатимизнинг халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти эканлиги ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланган.

Бешинчидан, Асосий Қонунимиз жаҳон конституциявий тажрибасига кенг таяниши ва ижобий томонлардан атрофлича фойдаланилганлиги билан ҳам ажралиб туради. Конституциямиз дунёнинг энг ривожланган давлатлари, хусусан, АҚШ, Франция, Германия, Швеция, Италия каби Ғарб давлатлари, ғояти ва этник жиҳатдан бизга яқин бўлган Япония, Миср, Ҳиндистон ва бошқа Шарқ давлатларининг бой тажрибасини энг демократик жиҳатларини, инсонпарварлик ғояларини таранним этувчи халқаро ҳужжатларнинг талабларини ўзида жамлаган.

Олтинчидан, Асосий Қонунимизни мустақил давлатимиз равнақининг ҳуқуқий кафолати даражасига кўтарувчи энг муҳим белги, унда жаҳоннинг илғор конституциявий тажрибасини миллий-анъанавий ва ҳуқуқий қадриятларимизга, ўзбек халқининг бой тарихига уйғунлаштирилиб қўлланишидир.

Шу муқаддас замин одамлари кўнглида устувор бўлган адолат, ҳақиқат, иймон, олижаноблик, бағрикенглик, мардлик, тантилик каби хислатлар ўз аксини топган. Унда халқимизнинг дунёқараши, унинг ўзига хос фазилатлари, хусусиятлари, интилишлари ажойиб тарзда уйғунлаштирилган.

Хулоса қилиб айтганда, биз ўз тараққиёт йўлимизни Бош Қомусимиз асосида белгилаб олдик. Эндиликда давлатимизнинг келажаги, халқимизнинг тақдири кўп жиҳатдан Асосий Қонунимизни ҳаётга қанчалик изчил татбиқ этишимизга боғлиқ бўлади. Конституциямиз эса эзгу мақсадларимизнинг ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилади.

КОНСТИТУЦИЯ — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

Азамат ЗИЁ,
Олий Мажлиснинг Ёшлар ишлари қўмитаси раиси

Аввало, шуни айтиш жоизки, "шўро замонида амалда бўлган конституция билан" ўзимизнинг Конституцияни ҳеч бир жиҳатдан қиёслаб бўлмайди. Чунки шўро замонида, янада аниқроқ айтсак, империя таркибида мустамлака тузумида ҳаёт кечиришга мажбур бўлган давримизда, биз мустақил эмасдик. Қарам миллатнинг эса Конституцияси ҳам бўлмайди. Конституция моҳият-эътибори билан сиёсий жиҳатдан озод, ўз давлатчилигига эга бўлган миллатгагина хосдир. Конституция давлатчилик рамзидир. Мустамлака миллатнинг эса давлати бўлмайди. Ўз мустақил давлати ва шунинг баробарида, ўз конституцияга эга бўлган миллат бировларга сиёсий жиҳатдан қарам бўлмайди. Шу маънода империя замонидаги "ЎзССР конституциялари" билан Мустақил Ўзбекистонимиз конституциясини қиёслаш, улараро қандайдир сифат ўзгаришларини изҳлаш мантиққа ҳам, Мустақиллик, мустақил миллат, давлатчилик тушунчаларига ҳам мутлақо зиддир.

Конституциямизнинг амалий ижроси билан боғлиқ масалаларга келсак, биринчидан, бош қонун ҳужжати сифатида Конституциямиз давлат ва жамият ҳаёти ва тараққиётининг асосий ҳуқуқий тамойилларини белгилаб берганини алоҳида таъкидлаш лозим. Таъбир жоиз бўлса, Конституция ҳар қандай жамиятнинг ҳуқуқий паспортидир. Ушбу ҳужжатга қараб, унинг эгаси бўлмиш миллатнинг сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий, маънавий, ҳуқуқий потенциали, қарашлари, мақсадлари ва истиқболини тасаввур қилиш мумкин. Шу жамиятнинг дунё ҳамжамиятида қандай ўринга эга бўлишга интилаётганини чамалаш мумкин. Иккинчидан, ўтган тўққиз йил давомида давлат ва жамият ҳаётининг қайси бир соҳасини олманг, қандай қадамлар қўйилган бўлса, уларнинг бари ана шу бош ҳуқуқий ҳужжат асосида, унинг доирасида амалга оширилиб келинаётганини алоҳида таъкидлашни истардим. Бу ҳақиқатни оддий фуқаролар кундалик турмушида, фаолиятида сезмаслиги, бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмаслиги мумкин, аммо борлиғимизнинг ҳуқуқий замирида айнан Конституция асослари турибди. Биргина мисол. Конституциямизнинг 41-моддаси **"Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга"** сўзлари билан бошланади. Фарзандимиз олти-етти ёшга тўлганида қўлидан етаклаб турар жойимиздаги энг яқин мактабга ёки ўзимиз хоҳлаган бирон-бир яхши илмгоҳга олиб борамиз. Ҳужжатларни топшириб 1 сентябр кунига имконимизга қараб фарзандимизни тайёрлаймиз. Фарзандимиз мактабнинг охирги синфларини битираётган кезлари олий ўқув юртига кириб ўқиса, деб ният қиламиз. Олий ўқув юртини битиргач, қани энди аспирантурага кирса ё бир ишга жойлашса, чет элларда малакасини оширса, деймиз. Аммо буларнинг бари 41-моддада белгилаб берилган ҳуқуқ асосида давлат томонидан яратилаётган амалий шароитларда рўй бераётганини хаёлимизга ҳам келтириб ўтирмаймиз. Бундай ҳолатимиз яхшими ё ёмонми? Бир томондан яхши, янада аниқроқ айтсак, яхшилик аломатидир. Яъни Президентимиз Ислом Каримов олиб бораётган оқилона сиёсат Конституциямизда белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларнинг амалда рўёбга чиқариш имконини бермоқда. Буларнинг бари тинчлик-хотиржамлик, иқтисодий барқарорлик ва ўсишнинг, таълим, умуман, баркамол авлод тарбияси сиёсатининг маҳсулидир. Аммо иккинчи томондан олганда, фуқаролар ўз ҳуқуқларини билмоқлари ва улар ниманинг ҳисобига рўёбга чиқаётганини англамоқлари керак. Шунда улар ҳаётнинг, мамлакатда кечаётган ўзгаришларнинг қадрига, шу орқали Конституциянинг қадрига етиб борадилар, ҳуқуқий давлат афзалликларини билиб қоладилар. Бундан чиқди, учинчидан, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият масаласида ҳали кўп ишлар қилишимизга тўғри келади. Шу маънода Конституцияни ўрганиш борасида Юртбошимизнинг алоҳида эътибор бериши замирида катта маъно-мазмун мужассам. Бугунги кунда уч юздан ортиқ қонунлар, улардан бир неча баробар кўп қонуности ҳужжатлари қабул қилинган экан, буларнинг бари конституциявий тамойилларга тўла мос келади. Асос — Конституция. Конституцияда энг асосий тамойиллар, ҳуқуқ ва эркинликлар, бурч ва мажбуриятлар белгиланган. Табиий равишда уларни эгаллаш, билиш ҳам осонроқ, ҳам зарур. Энг муҳими, қўмитамизнинг қонунлар ижросининг назорати ва таҳлили тажрибасидан келиб чиқиб айтишим мумкинки, агар биз қонунларга мувофиқ яшаш ва ишлашга қатъий ўргансак, бу тушунча турмуш тарзимизнинг ажралмас қисмига айланса, ҳаётимиз, ишимиз бир неча баробар яхши бўлиб кетади. Чунки Конституциямизда, қонунларда яшаш ва фаолият кўрсатишимизнинг бугунги кундаги энг оптимал тартиб-қоидалари муҳрланган. Тартибли, яъни маъно-мантиқли ҳаракат тараққиёт ва фаровонлик эшигининг калитидир.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциясида ҳозирги замон жамиятларига уларнинг сиёсий — ҳуқуқий ташкил этилиши нуқтаи-назаридан зарур бўлган деярли барча нарса мавжуд. Шахснинг мустақиллиги, ҳокимиятларнинг таксимланиши, мулкдорлик шаклларининг хилма-хиллиги, мафкуравий ранг-баранглик, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий плюрализм, бошқариладиганларнинг розилигига асосланган ҳукумат сингари ва кўплаб бошқа демократик қадриятлар конституциявий тузумнинг принциплари сифатида тасдиқланади. Узоқ йиллар давомида тоталитар — мустабид тартиботнинг ҳомҳаёл — демократик никоби бўлиб келган турли кўринишдаги "шўрочиликлар" барҳам топтирилган.

Л.ЛЕВИТИН,
профессор



Россия пойтахтида МДҲга аъзо мамлакатлар раҳбарларининг олий даражадаги учрашуви бўлиб ўтди. Маълумки, декабр ойида МДҲ ташкил топганига ўн йил тўлади. Президентлар ўтган ана шу вақт мобайнида Ҳамдўстлик доирасида амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиши баробарида МДҲнинг бугунги аҳволи ва келажаги хусусида фикр алмашишди.

* * *

Тошкентда "Ўзгўштсутсаноат" давлат-акционерлик уюшмасининг улгуржи савдо ярмаркаси бўлиб ўтди.

* * *

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида 2002 йилги пахта ҳосили учун истиқболли ғўза навларини танлаш ва уларни жойлаштириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

* * *

28 ноябр куни Президент Ислом Каримовга Швейцария Конфедерацияси, Кувайт давлати, Бангладеш Халқ Республикаси, Корея Халқ Демократик Республикасининг мамлакатимизга тайинланган Фавқулодда ва мухтор элчилари ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги янги вакили Ишонч ёрлиғи топширди.

* * *

Дехлидаги ҳинд миллий саройида анъанавий Халқаро болалар ассамблеясининг навбатдаги анжумани бўлиб ўтди. Анжуманда ўзбекистонлик болаларнинг чиқишлари Халқаро болалар ассамблеясида иштирок этган гуруҳлар ичида энг муваффақиятлиси деб баҳоланди.

* * *

Тошкенг Давлат юридик институтида Республика ҳуқуқий-маърифат тарғиботи маркази билан ҳамкорликда "Конституция —ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг пойдевори" мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

* * *

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ҳузуридаги инсон конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этиш масалалари комиссиясининг кенгайтирилган йиғилиши бўлди.

* * *

Бонн шаҳрида БМТ шафеълигида ўтказилаётган конференцияда Афғонистонда ўтиш давридаги муваққат ҳукумат тузиш борасидаги масала узил-кесил ҳал этилди.

* * *

NBC телекомпаниясининг хабарига кўра, АҚШ томонидан амалга оширилган ҳарбий амалиётлар натижасида "Толибон" ҳаракати ва "Ал-қоида" ташкилотининг 35 нафар етакчиларидан 6 нафари йўқ қилинган. Ушбу хабарда айтилишича, айни пайтда "Толибон" ҳаракати раҳбари ўз қуролли кучлари устидан ўрнатган назоратини йўқотган. Ва у ўз жонини сақлаб қолиш мақсадида террорчилар раҳнамоси Усама Бен Ладенни АҚШ қўлига топширишга ҳам тайёр эканини билдирди.

Бугуннинг гапи

ОҒЗАКИ БУЙРУҚ ШАРТНОМА ЭМАС

Икки томонлама, яъни буюртмачи ва ижро этувчи ўртасида ўзаро келишиб тузилган шартнома мажбуриятлари албатта, бажарилиши керак. Бу мамлакатимизда амалда бўлган қонун ҳужжатлари билан кафолатланган. Бироқ ана шу қонун-қоидага риоя қилинмаса ёки уни назар-писанд этилмаса, икки ўртада ҳар хил низо ва келишмовчиликлар, сарсон-саргардонликлар бошланиши табиий. Бу ҳолат вилоят адлия бошқармасига хўжалик юритувчи субъектлардан келиб тушаётган аризалардан аён бўлмоқда.

Чортоқ туманидаги "Акмал" фермер хўжалиги бошлиғи Абдуллажон Қосимовнинг бошқармага ёзган аризаси билан танишиб чиқилди. Аризачи 2000 йилнинг 28-сентябрида вилоят деҳқон ва фермер вакиллигининг оғзаки топшириғига биноан "Наманганўшт-Сутсаноат" вилоят акциядорлик компанияси қарашли "Мададкор" чорвачилик хўжалигига 330 килограмм тирик вазнда бир бош қорамолни 111767-сонли қабул қилиш паттасига асосан топширган. Лекин у қорамолнинг 66153 сўмлик қийматини орадан бир йил ўтса ҳам, ололмаган. Фермер чорвачилик хўжалигига кўп марта хат билан мурожаат қилган. Аммо ҳаракатларидан ҳеч бир натижа чиқмаган. Шундан кейин фермер хўжалиги раҳбари ҳақини ундириб беришни сўраб вилоят адлия бошқармасига ариза билан мурожаат этган. Бошқарманинг хўжалик юритувчи субъектлар томонидан шартнома мажбуриятларини бажарилишини назорат қилиш бўлими фермер аризаси юзасидан текшириш ўтказилганида, "Акмал" фермер ва "Мададкор" чорвачилик хўжаликлари ўртасида шартнома тузилмагани, фермер хўжалиги раҳбари А.Қосимов вилоят деҳқон ва фермер вакиллиги туман бўлими бошлиғининг оғзаки топшириғига асосан 330 килограмм тирик вазнда бир бош қорамолни чорвачилик хўжалигига бериб юборгани, лекин бир йилдан буён ҳақини ололмаётгани ўз исботини топди.

2000 йилнинг сентябр ойида чорвачилик хўжалиги "Акмал" фермер хўжалигидан тирик вазндаги қорамолнинг ҳар бир килограмини 200 сўм 50 тийиндан қабул қилиб олган ва 2001 йилнинг сентябр ойига келиб чорвачилик хўжалиги бошқа жойлардан тирик вазндаги қорамолнинг ҳар бир килограмини 400 сўмдан харид қилган. Шунда ҳам "Акмал" фермер хўжалигига қарзини тўлашдан бош тортиб келган. Текшириш вақтида ҳам чорвачилик хўжалиги қарзини тўлаш юзасидан чора-тадбирлар кўрмаган. Унинг қонунсиз ҳаракати фермер хўжалигига катта зарар етказган. Аниқ қилиб айтганда, фермер хўжалиги ўша вақтда топширган бир бош 66153 сўмлик қорамолнинг ҳозирги нархи 132 минг сўмни ташкил қилади. Бу билан фермер банк фоиз ставкаси билан бирга жами 147 минг 87 сўм моддий зарар кўрган.

Вилоят адлия бошқармаси "Акмал" фермер хўжалиги манфаатларини ҳимоя қилиб, "Мададкор" чорвачилик хўжалигидан етказиб берилган маҳсулотнинг қийматини ундириш ҳақида вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритди. Хўжалик суди ушбу даъво аризаси юзасидан хўжалик иши қўзғатди. Бу иш вилоят хўжалик судининг судьяси О.Охунова ва бошқа мутасадди ташкилотларнинг вакиллари иштирокида Чортоқ туман деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмасининг биносида бўлиб ўтган очиқ сайёр суд мажлисида кўриб чиқилди. Фермер хўжалиги бошлиғи А.Қосимов суддаги кўргазмасида "Мададкор" билан яхшиликка олиб келмаган муносабатларни таҳлил қилиб берди. Жавобгар ташкилот вакили З.Қўчқоров эса ўз кўргазмасида судда кўтарилган масала тўғри эканини, ташкилотнинг ҳисоб рақамида пул маблағи бўлмаганлиги сабабли қарз ўз вақтида узилмаганлиги, бундай ҳолатнинг келиб чиқишига кўп жиҳатидан ташкилот раҳбарларининг боқибеғамлиги, яъни ўз вақтида ҳаракат қилишмагани сабаб бўлганини, эндиликда қарзни фоизи билан тўланишига рози эканини билдирди. Суд Фуқаролик, Хўжалик процессуал ва Меҳнат Кодексларининг бир нечта моддаларини қўллаб, жавобгар "Мададкор" чорвачилик хўжалигидан даъвогар "Акмал" фермер хўжалиги фойдасига 66153 сўм асосий қарз, 65847 сўм зарар — жами бўлиб 132 минг сўм ундириш тўғрисида қарор чиқарди.

Шунингдек, вилоят хўжалик судининг ўша кунги очиқ сайёр суд мажлисида адлия бошқармаси томонидан Чортоқ туманидаги "Чорвадор" фермер хўжалиги манфаатларини ҳимоя қилиб "Мададкор" чорвачилик хўжалигидан етказиб берилган маҳсулотнинг қийматини ундириш ҳақида вилоят хўжалик судига киритилган даъво аризаси юзасидан вилоят хўжалик суди қўзғатган хўжалик иши ҳам кўриб чиқилди. Судда шу нарса қайд этилдики, юқоридаги каби "Чорвадор" фермер хўжалиги ҳам 2000 йилнинг сентябр ойида вилоят деҳқон ва фермер вакиллиги туман бўлими бошлиғининг оғзаки топшириғига мувофиқ ҳеч қандай шартнома тузмаган ҳолда 272 кг. тирик вазнда бир бош қорамолни 111774-сонли қабул қилиш паттасига асосан "Мададкор" чорвачилик хўжалигига топширган. Ушбу қорамолнинг 54534 сўмлик қиймати даъвогарнинг адлия бошқармасига ёзган аризаси юзасидан ўтказилган текшириш қунига қадар ҳисоб-китоб қилинган эмас. Бу ҳолат фермер хўжалигига бир бош қорамолнинг ҳозирги нархи 108 минг сўм ҳисобланса, фермер банк фоиз ставкаси билан бирга жами 121888 сўм моддий зарар кўришига олиб келган.

Суд вилоят адлия бошқармаси вакили, "Чорвадор" фермер хўжалиги бошлиғи У.Собиров ва жавобгар "Мададкор" чорвачилик хўжалиги вакили З.Қўчқаровларнинг кўргазмаларини тинглаб, "Чорвадор" фермер хўжалигининг даъво талаблари асосли деб ҳисоблаб, уни қисман қондиришни лозим топди. Шундай қилиб суд жавобгар "Мададкор" чорвачилик хўжалигидан даъвогар "Чорвадор" фермер хўжалиги фойдасига 54534 сўм асосий қарз, 54266 сўм зарар — жами 108800 сўм ундиришга қарор қилди.

Баён этилган воқеалар таҳлил этилса, "хўжалик юритувчи субъектларга шунча машмаша, дилхиралик, оворагарчиликлар, қолаверса ўзаро келишмовчиликлар зарурмиди, деган саволнинг туғилиши турган гап. Иш бошидан пухта ташкил этилмас экан, низоларнинг келиб чиқиши табиий. Биз мисол келтирган хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги низоларнинг бош сабаби ўзаро шартнома тузмай олди-берди қилинганидадир. Хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз ҳуқуқларини яхши билмасликлари, қонун-қоидалардан бехабарликлари ҳам ана шундай келишмовчиликларнинг юзага келиши сабаб бўлган. Қолаверса, вилоят деҳқон ва фермер вакилигининг фермер хўжаликларига асоссиз, яъни оғзаки буйруқлар беришига ҳаққи йўқ эди. Афсуски, фермерлар унинг ноқонуний буйруқларини бажариб, ўзларини қийин аҳволга солиб қўйишган. Вилоят деҳқон ва фермер вакиллиги фермерларнинг жавобгардан ҳақини ундиролмаётганидан хабардор бўлса-да, уларга амалий ёрдам кўрсатмаган.

Томонлар ўртасида шартномалар тузилмаса, тузилганларининг эса шартлари бажарилмас экан, ўзаро ихтилофлар келиб чиқаверади. Унинг юзага келмаслиги учун эса хўжалик юритувчи субъектлар олди-берди масъулиятини чуқур ҳис этишлари, айниқса, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида бир-бирига зарар етказмасликлари керак. Оғзаки буйруқ шартнома бўлолмаслигини ҳам унутмаслик зарур.

Аҳмаджон МУҲИДДИНОВ,
Наманган вилояти

Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурдирлар.

(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 49-моддасидан)



Оталар дейдики:

Олижаноб ва шариф киши шундай кишики, у ҳозир бўлмай ғойиб бўлганида унинг суҳбатини ҳоҳлаб, мулоқотини орзу қиларлар, башарти у (суҳбатга) келиб қолса, унинг ҳайбатидан сергакланиб ҳушёр тортарлар.

Муносабат

РАҚОБАТ МУҲИТИ — ТАРАҚҚИЁТ ҒАРОВИ

Фермер хўжаликлари Мустақиллик мевасидир. Бугунги кунга келиб ушбу соҳа қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бирига айланган бежиз эмас. Мазкур хўжаликларнинг иқтисодиётни ривожлантиришдаги салмоғи тобора ортиб бораётганлигини ўз тажрибамиз мисолида ҳам кўриб турибмиз.

Фермер хўжалигимиз 1995 йилда ташкил топганди. Тасарруфимизда 123 гектар еримиз бор. Шундан 85 гектарига ғалла, 38 гектарига эса пахта экамиз.

Бу йилги мавсумда хўжалигимизда 350 тонна ғалла, 160 тонна пахта етиштирилди. Ҳосилдорлик (ғалла-41, пахта-40 центнердан) анча юқори бўлди. Давлатга пахта топшириш шартнома режасини 12 кунда бажардик. Етиштирилган ҳосилнинг аксарият қисми биринчи навга топширилди. Ғалладан 12 млн. 800 минг сўм, пахтадан 14 млн сўм даромад олдик. Бу кўрсаткич ўтган йилдагига нисбатан қарийб икки бараварга ошди. Хўжалигимиз аъзоларининг ҳар бирига 12-15 минг сўмдан ойлик маоши берилди. Бундан ташқари, ҳар бир ишчига (эҳтиёжига қараб) 1-1,5 тоннадан ғалла, 50 килодан ўсимлик ёғи тарқатилди.

Ширкат хўжалиги ҳудудидаги 9,11-мактабларни оталиққа олганмиз. Жорий йилда уларнинг ҳар бирига 500 минг сўмдан (жами бир миллион сўм) моддий ёрдам кўрсатдик. Бундан ташқари, кам таъминланган 20 та оилага жами 4 тонна буғдойни ўз ҳисобимиздан тарқатдик.

"Инсон ва қонун" газетасида фермер хўжаликлари хусусида қизиқарли мақолалар узлуксиз бериб борилаётганидан мамнунмиз. Жумладан, газетанинг 47-сонида "Пахтакор" фермер хўжалиги раиси Лапас Икромовнинг "Муаммолар ечимини топмоқда" сарлавҳали мақоласида долзарб муаммолар кўтарилган.

Назаримда, қуйидаги муаммолар ҳам долзарб бўлиб, ўз ечимини кутмоқда. Аввало, минерал ўғитни керакли даражада ололмаймиз. Устига-устак бизни ўғит билан таъминлайдиган ташкилот "Ўзагрокимётаъминот" ҳиссадорлик жамиятининг Янгиер туманлараро бўлимидан (гарчи, пулини тўлаган бўлсак-да), эҳтиёжимизга яраша ўғитни (ҳатто ярмини ҳам) ололмаймиз. Бунинг устига уни олиш учун бот-бот қатнаймиз. Мазкур ташкилот томонидан минерал ўғит хўжаликларнинг ўзида тарқатилиши йўлга қўйилса, ушбу муаммо ўз ечимини топган бўлур эди.

Фермер хўжаликларини ёнилғи (саларка) билан таъминлаш муаммоси ҳам ўз ечимини кутмоқда. Айтайлик, хўжалигимиз учун 3 ойга 4 тонна ёнилғи керак бўлади. Бизга нари борса 3 ойга 1 тонна 800 литр ёнилғи берилади. Ёнилғи ўз вақтида берилмагани боис ерга ишлов бериш, агротехник тадбирлар чўзилиб кетади. Деҳқоннинг эса кутишга вақти йўқ. Ноиложликдан ёқилғини бозор нархида сотиб оламиз. Нега ёнилғи билан таъминлаш идоралари фермерларга қараб ҳаракат қилмайди? Хўжаликларга келиб, ёнилғи тарқатиш мумкин эмасми?..

Амалдаги қонунларимизда фермер хўжаликларини ривожлантиришни рағбатлантиришнинг ҳуқуқий мезонлари белгилаб берилган. Бироқ афсуски, жойларда қонунларимиз талаблари тўла бажарилмайди. Яъни, биз фермерлар шартнома-режадан зиёд етиштирилган ғалламизни мустақил тасарруф этиш имкониятига эга эмасмиз. Бу йилги мавсумда 40 тонна ғаллани шартнома-режадан зиёд етиштирдик. Афсуски, уни ўз ихтиёримизда қолдиришмади — олиб қўйишди. Ҳолбуки, амалдаги қонунларда фермер хўжаликлари ўз маҳсулотларини (шартнома-режадан ортиқ маҳсулотларни) мустақил тасарруф этиши қайд қилинган. Хўш, бундан ким манфаат кўради — фермерми ёки донни қабул қилувчи ташкилот? Режадан ташқари етиштирилган ғалла олиб қўйилганига эътирозимиз йўқ. Гап шундаки, режадан зиёд топширилган дон учун бозор нархида ҳақ тўланса, фермер хўжаликларининг манфаатдорлиги янада ошган бўлур эди.

Бозор муносабатлари аниқ ҳисоб-китобни, жумладан, маҳсулот тайёрловчи идоралар билан фермер хўжаликлари ўртасидаги шартномавий муносабатларда томонларнинг тенглигига қатъий риоя қилинишини тақоза этади. Ҳозирда фермерларга хизмат кўрсатувчи, маҳсулотларни қабул қилувчи, қайта ишловчи ташкилот, корхоналар монопол ҳолатда. Улар ўз мавқеини суиистеъмол қилишмоқда. Қачонки, бу тизимларда ҳам рақобат муҳити яратилса, фермер хўжаликлари ривожланиши учун янги имкониятлар юзага келган бўлар эди.

Ғуломжон ФОЗИЛОВ,
Сирдарё вилояти, Оқ-олтин туманидаги "Тўқмоқ" фермер хўжалиги раиси

АДВОКАТ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ ЭДИМИ?

Истиқлол туфайли барча соҳалар каби адвокатура тизимини кучайтириш, унинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, адвокатларнинг ваколатлари ва мақомини кўтариш борасида қонунчилик асослари яратилди. Ҳар қандай суд жараёнида бир томондан айбловчи, иккинчи томондан ҳимоячи тенг ҳуқуқ асосида сўзга чиқади.

Аммо **"Адвокатлар фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"**ги Қонуннинг 3-моддасида акс этган **"Адвокат қасамёди"**га амал қилмайдиган, фақат ўз манфаатини кўзлайдиган **"ҳимоячи"**лар ҳам учраб туради. Зеро, гуруч курмаксиз бўлмайди.

Олий хўжалик судида судъяларнинг адолатли ҳукми билан мижозига нисбатан адолатсизлик қилган адвокатнинг талаблари рад қилинди.

Бу суд жараёнида одатдагидан фарқли ўлароқ, ҳимоячи суддан ҳимоя сўраётганди. "Ҳимоя" адвокатлик бюроси хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, "ЮТА" масъулияти чекланган жамиятдан 3 миллион 454 минг 828 сўм ундириб беришни сўраганди.

Томонлар ўртасида тузилган ҳуқуқий хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартномага асосан "Ҳимоя" адвокатлик бюроси "ЮТА" масъулияти чекланган жамиятнинг низоли ишларини қонуний ҳал этишга кўмаклашиш, жамият эса бажарилган ишлар учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олган эди.

Ҳақиқатан ҳам, "Ҳимоя" адвокатлик бюроси томонидан тайёрланган даъво аризалари асосида "ЮТА"га бир неча ташкилотдан жами 2,5 миллион сўм дебиторлик қарз ва 2 миллион сўмдан кўпроқ жарима ундириб берилган.

Бироқ даъвогар ҳисобланаётган адвокатлик бюроси хизмат ҳақи учун талаб қилаётган маблағ адолат мезонларига тўғри келмайди.

— Биз даъвогарнинг ўзича қилган ҳисоб-китоблари адолатдан эмаслигини исбот қилдик, — дейди Одий хўжалик суди судьяси Иброҳим Алимов. — "Ҳимоя" адвокатлик бюроси адвокати Д.Аширов ва "ЮТА" раиси В.Чевеленкова томонидан имзоланган шартномада ундирилган дебиторлик қарзнинг 15 фоизи, жарима суммасининг 50 фоизи миқдорида ҳақ тўлаш кўрсатилганлигининг ўзи ноҳақлик. Бу ҳол "ЮТА" жамиятини инқирозга олиб келиши мумкинлигини адвокат тушуниши ва бунга йўл қўймаслиги лозим эди. Зеро, мижозга 4,5 миллион сўм маблағ ундириб бериб, 3,5 миллион сўм хизмат ҳақи талаб қилиш ҳеч бир ҳуқуқий ва маънавий меъёрга сиғмайди.

Фуқаролик кодексининг 9-моддасига мувофиқ фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузилмаслиги керак. Кодексда фуқароларнинг ҳуқуқ муносабатларда ҳалол, оқилона ва адолат билан ҳаракат қилиши назарда тутилган.

Фуқаролар ва юридик шахслар ўз ҳуқуқларини амалга оширишда жамиятнинг маънавий тамойиллари ва ахлоқий меъёрларини ҳурмат қилиши, тадбиркорлар эса иш одоби қоидаларига риоя этиши зарур.

Судлов ҳайъати ишдаги барча ҳолатларни инобатга олиб, "Ҳимоя" адвокатлик бюросига "ЮТА" масъулияти чекланган жамиятига кўрсатган ҳуқуқий ёрдами учун тўланиши лозим бўлган хизмат ҳақини суд қарорлари асосида ундирилган 2 миллион 153 минг сўм пенянинг 10 фоизи миқдорида қаноатлантиришни, даъво талабларининг қолган қисмини рад этишни лозим топди.

Адвокат сўзи "ёрдамга чақирмоқ" маъносини англатади. Лекин ёрдамга муҳтож киши ҳимоясига отланган адвокат, аввало, ўз манфаати кетидан қувса, оқибатда унга бўлган ишончга путур етмайдими? Бу ўринда яна шуни айтиш жоизки, қонунчилигимизда хусусий адвокатура тизими учун хизмат кўрсатишга ҳақ тўлаш меъёрлари аниқ белгиланмаганлиги ҳам бу каби ҳолларга сабаб бўлмаяптимикин?

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

Ҳуқуқий маърифат

БИРЖА НИМА?

Биржа сўзининг луғавий маъноси лотинча "birja" ва немисча "borse" сўзларидан олинган бўлиб "ҳамён" деган маънони англатади. Биржанинг юзага келиши XV аср бошларида Голландиянинг Брюгге шаҳарчасида яшовчи Ван Дер Бурсе деган дўкондорнинг уйи олдида мунтазам равишда турли давлатлардан савдогарлар йиғилишиб, ўзаро ахборот, товар айирбош қила бошлаганликлари билан боғлиқдир. Чунки дўкондорнинг уйи олдидаги осиғлик гербда учта ҳамён "borsen" сурати ифодаланган бўлиб, шундан биржа атамаси келиб чиққан.

Дунёдаги дастлабки биржа 1531 йилда Антверпенда (Белгия) ташкил этилган. 1566 йилда Лондонда ҳам қироллик биржаси юзага келди. 1703 йилда Пётр 1 Петербургда Россия биржасини таъсис этади. Шуни айтиш жоизки, аввалига биржалар фақат товар мавжуд бўлган шароитда олди-сотди амалга оширилади-ган катта улгуржи бозорлардан иборат бўлган. Бир қарашда улар турли саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сақланадиган омборларни эслатарди. Унда эса сотувчилар, харидорлар, даллоллар ана шу маҳсулотлар асосида иш юритишади. Товар амалда мавжуд бўлмаган шароитда биржа битишувлари илк бор 1608 йилда Амстердам (Голландия) биржасида амалга оширилган.

Ҳозирги кунда биржалар бозор хўжалигининг субъекти сифатида фойда олишга йўналтирилган фаолият билан шуғулланувчи мустақил корхоналар ҳисобланади.

Бугун биржа деганда, улгуржи бозор фаолиятининг ғоятда ривожланган шакли тушунилади. Унда олди-сотди молнинг ўз воситасида эмас, балки уни етказиб бериш шартномаси асосида амалга оширилади. Одатда, биржа таъсисчиларнинг маблағи ҳисобидан ҳиссадорлик жамияти шаклида ташкил этилади. Бошқалар унга биржа операцияларини олиб бериш учун бадал тўлаб, биржадан жой сотиб олгач, аъзо бўлишлари мумкин.

Ўзбекистонда биржаларни ташкил этиш ва уларнинг фаолияти 1992 йилдан **"Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида"**ги Қонун асосида амалга оширила бошланди.

Биржанинг олий органи — унинг аъзолари умумий йиғилиши ҳисобланиб, биржа қўмиталари кенгаши унинг маҳкамасидир.

Биржаларнинг товар, фонд, валюта каби турлари мавжуд. Биржаларда талаб ва таклифнинг жамланиб йириклашган ҳолда бўлишлигини таъминлаш мақсадида "Биржа пули" белгиланган бўлиб, уларда савдо қатъий равишда ҳафтанинг маълум кунлари ва соатларида ўтказилади. Биржанинг таъсисчилари ва аъзолари унда мунтазам равишда қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундан ташқари биржа савдосида мижозлар ҳам тўлов эвазига кириб қатнашишлари мумкин.

Биржанинг ахборот таблосига чиқиш учун компьютер ва телефон алоқаси билан жиҳозланган маълум ўринлар сони мавжуд бўлиб, улар рақам билан белгиланган бўлади. Унда биржанинг аъзоси ва брокерлари доимий ўринга эга бўладилар. Йирик иштирокчилар бир марта ёки бутун йил давомига ўрин сотиб олишлари мумкин. Ўринга эга бўлмаган мижозлар эса фақат брокерлар воситачилигида битим туза оладилар.

Ахборотлар ойнасида таклиф этилаётган ва сўралаётган товарларга оид маълумотлар акс этиб туради. Бу маълумотлар таблога биржанинг ахборотлар бўлими, брокер ва ўз ўрнига эга бўлган аъзолар томонидан келади.

Биржада савдони брокерлар (яъни сотувчи ва харидорлар ўртасида воситачилик қилувчи даллоллар), дилерлар (ўзи битим тузиб савдо қилувчи тижоратчи савдогарлар) амалга оширадилар. Брокерларнинг даромади улар воситачилигида амалга ошган савдодан маълум фоиз олиш ҳисобидан, дилерлар даромади эса сотаётган молига қўйган устама нарх ҳисобидан бўлади.

Иштирокчилар савдода қатнашиш учун дастлаб биржанинг тезкор (оператив) ахборот бўлимига мурожаат қилиб, буюртма бланкаси ва биржа бюллетенини оладилар. Бюллетенда аввалги биржа кунидаги натижалар котировкаси, товарлар тури бўйича амалга оширилган битимларнинг юқори ва қуйи нархи, нархлар маълумотномаси, бутун биржа кунида бўлган товарлар нархининг ҳаракат йўналиши ва шунга ўхшашлар акс этган бўлади. Унга асосан иштирокчи сотиш ёки сотиб олиши мўлжалланган товарнинг тури, миқдори ва ўзи тавсия этган баҳосини кўрсатган ҳолда бюллетенни тўлдириб тезкор ахборот бўлимига топширади. Тезкор ахборот эса мижозни брокерга йўллаши ёки унинг хоҳишига кўра биржадан ўрин сотиши мумкин. Брокер мижознинг топшириғига кўра, аниқ товарини шартлашилган нархда сотади ёки ўзи мувофиқ контрагент топиб беради.

Ҳозирги вақтда тараққий этган давлатларда биржанинг энг ривожланган кўриниши бу товар биржасидир.

Товар биржаси ичида қуйидаги алоҳида қўмиталар ташкил этилади:

— шартномаларнинг бажарилишини назорат қилувчи ҳисоб-китоб палатаси;

— консультациялар ва юзага келадиган низоларни ҳал этиш учун биржа ҳакамлиги (арбитражи);

— котировкалаш қўмитаси — (котировка: акциялар ва бошқа қимматбаҳо қоғозлар курсини белгилаш), нархлар ҳаракати тўғрисида ахборотни тўплаш (биржа бюллетенини эълон қилиш учун);

— стандартлар ва сифат бўйича қўмита — моллар сифатини экспертиза қилиш ва уни биржада муомалага қабул қилиш учун;

Шунингдек, биржада савдо қилувчи товар ва савдо кўринишига кўра алоҳида секциялар ташкил этилади:

— аниқ (реал) товарлар савдоси;

— бўлажак товарлар (қишлоқ хўжалик маҳсулоти) савдоси;

— бартер савдоси;

— аукцион савдо;

Алоҳида товарлар бўйича эса қуйидаги секциялар ташкил этилиши мумкин:

— нон маҳсулотлари савдоси;

— тўқимачилик маҳсулотлари савдоси;

— металлар савдоси;

— химиявий ашёлар савдоси ва ҳоказо.

Айрим товар биржалари муайян товарлар сотилишига ихтисослашган бўлади. Масалан, пахта, қаҳва, какао, қанд — шакар. Биржаларда алюминий, кумуш, олтин, буғдой, пахта, кофе, шакар, бензин, мазут, қорамол, чарм, тухум, ёғ, мева шарбати концентратлари, маккажўхори, жавдар, сули ва шунга ўхшаш маҳсулотларни харид қилиш мумкин. Бозор инфратузилмаси ривожланган мамлакатларда кундалик эҳтиёж моллари ва машина-техника маҳсулотлари биржа савдоси объекти бўлмайди.

Н.БЕКНОЗОВ,
У.ТУРҒУНОВ,
С.ҚУРБОНОВ,
ТДЮИ ўқитувчилари

Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади.

(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасидан)



"ЎТКИРБЕК" ЎТКИР ЧИҚДИ

Истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ мамлакатимизда тадбиркорлик тизимини ҳуқуқий ҳимоялаш ташаббуси кенг қулоч ёйди. Аммо у кезларда кўпчиликнинг онгида хусусий мулк, тадбиркорлик тушунчалари шаклланмаган эди. Бугунги кунга келиб эса юртдошларимизнинг дунёқараши бутунлай ўзгарган. Шу боисми, турфа турдаги тадбиркорлик билан шуғулланиш учун елиб-югуриб юрган кишиларни кўриб, беихтиёр ҳайратланасан киши. Чунки уларнинг кўпчилиги бундан атиги 6-7 йил аввал мутлақо бошқа одамлар эди. Эндиликда эса улар фойда ва зарарнинг фарқига борадиган, ҳатто ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишни, кези келганда қаерга, кимга мурожаат этишни яхши биладиган саводхон кишилардир. Буни идорамизга ҳуқуқий кўмак сўраб келаётган фуқароларнинг сонидан ҳам билса бўлади. Мисол тариқасида битта хусусий кичик корхонага тўрт бора ҳуқуқий кўмак берганимизни айтиб ўтиш мумкин.

Гап шундаки, Денов туманининг "Ғалаба" ширкат хўжалигида яшовчи Т.Ражабов раҳбар бўлган "Ўткирбек" хусусий кичик корхонасига буюртмачи бўлмиш "Сариосиё сувқурилиш" ҳиссадорлик жамияти ва Сурхондарё вилоят капитал қурилиш бошқармаси ўртадаги шартномага мувофиқ бажарилган ишлар учун тўланиши шарт бўлган уч миллион олти юз тўқсон олти минг олти юз етмиш икки сўмнинг атиги уч юз тўққиз минг тўққиз юз ўн сўми тўланиб, қолган уч миллион икки юз ўттиз саккиз минг саккиз юз тўқсон олти сўми икки ойдирки берилмай келган. "Ўткирбек" кичик корхонаси бизга мурожаат этгач, устама — тўққиз юз етмиш бир минг олти юз олтмиш саккиз сўмни ундириш ҳақида Хўжалик судига даъво аризаси киритдик. Судда даъвонинг тўла асосли экани ўз исботини топди ва қолдиқ қарз — уч миллион икки юз ўттиз саккиз минг саккиз юз тўқсон олти сўм жавобгардан ундириб берилди.

Шундан сўнг "Ўткирбек" хусусий кичик корхонаси ўртадаги шартномага асосан бажарилган иш учун ҳақни ўз вақтида тўламасдан сарсон қилиб келаётган "Деновқурилиш" ҳиссадорлик жамияти ва вилоят капиталқурилиш бошқармаси устидан арз қилиб, яна бизга мурожаат этди. Улар билан шу йилнинг 5 мартида тузилган 20-Ка сонли шартномага кўра даъвогар, яъни "Ўткирбек" хусусий кичик корхонаси "Хайрабод" коллежида ўн миллион беш юз қирқ икки минг уч юз йигирма сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишларини бажарган экан. Жавобгар томонидан эса атиги икки миллион олти юз эллик минг сўм пул ҳамда етмиш олти минг саккиз юз ўн сўмлик ҳар хил товарлар тўланади, холос. Биз буюртмачи томонидан тўланмай қолган етти миллион олти юз олтмиш икки минг икки юз йигирма сўм ҳамда 0,5 фоизли устамани ундириш ҳақида "Ўткирбек"нинг манфаатини кўзлаб, вилоят Хўжалик судига даъво аризаси киритдик. Даъвомиз судда асосли деб топилди.

Натижада "Деновқишлоққурилиш" ҳиссадорлик жамиятидан "Ўткирбек" хусусий кичик корхонаси фойдасига етти миллион олти юз олтмиш икки минг икки юз йигирма сўмни ундириш ҳақида ҳал қилув қарорини чиқарди.

Ҳамкорлигимиз давом этди. Энди "Шўрчиқишлоққурилиш" ҳиссадорлик жамиятига қарашли "279-ХМКЖ" ҳиссадорлик жамиятидан ҳамда қўшимча жавобгар — вилоят капитал қурилиш бошқармасидан бир миллион тўққиз юз ўттиз икки минг тўрт юз етмиш беш сўмлик асосий қарз ҳамда устамани "Ўткирбек" хусусий кичик корхонаси фойдасига ундириш тўғрисида вилоят Хўжалик судига даъво аризасини киритдик. Чунки "Ўткирбек" судда жавобгар сифатида иштирок этаётган буюртмачилар билан шартномага мувофиқ Шўрчи туман ҳудудидаги бир неча объектларда уч миллион саккиз юз олтмиш бир минг олти юз йигирма етти сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишларини бажарган. Буюртмачи томонидан даставвал икки миллион сўм бўнак тўланди. Аммо "Ўткирбек" хусусий кичик корхонаси бажарган ишлари учун қолган бир миллион олти юз саксон минг тўрт юз беш сўмни ҳозиргача ололмай келган. Мана шу қолдиқ қарзини 0,5 фоизли устамаси билан жавобгардан ундириш тўғрисидаги даъво аризамиз вилоят хўжалик суди томонидан қисман қаноатлантирилиб, даъвогарга жавобгардан 0,5 фоизли устамадан ташқари асосий қарзни ундириш ҳақида қарор чиқарилди.

Шунингдек, Денов туманидаги 543-сонли ХМКЖ (хўжалик ҳисобидаги кўчма жамланма) ҳамда вилоят капитал қурилиш бошқармаси буюртмаларига ва ўртадаги шартномага кўра "Ўткирбек" хусусий кичик корхонаси бажарган қурилиш-таъмирлаш ишлари учун тўланмай қолган бир миллион етти юз етмиш беш минг етти юз ўн уч сўмлик қарзни ундириб бериш ҳақида даъво аризамиз ҳам Хўжалик судида ўз ижобий ечимини топди.

Хуллас, юрт равнақи ва ободончилигига ўз ҳиссасини қўшиб келаётган "Ўткирбек" хусусий корхонаси раҳбари Т.Ражабов ҳамда унинг жамоасини сарсону саргардон этаётган боқибеғам раҳбарларни тўрт марта суд залига келишига мажбур этдик. Яъни тўрт карра "Ўткирбек"ни қўлладик. Унинг меҳнати ҳалол, йўли тўғри бўлгани учун ҳам судда ютиб чиқди.

Қолаверса, "Ўткирбек" хусусий корхонаси раҳбарининг ҳуқуқий жиҳатдан саводли экани ҳам ғоят асқотди. Бу эса ишни ҳам, ҳуқуқини ҳам билиш — тадбиркорнинг ишини олға силжитадиган омилдир, деган хулосага олиб келди.

Собир КАРИМОВ,
Сурхондарё вилояти

Конституция – нафақат бугунги куннинг қомуси, балки у эртанги кунимиз, қураётган жамиятимиз истиқболини аниқлаб берувчи ҳужжат, фарзандларимиз йўлини ёритиб тургувчи маёқдир.

Ислом КАРИМОВ

КОНСТИТУЦИЯЛАР ТАРИХИДА ЯНГИ ҲОДИСА

Ахтам ТУРСУНОВ,
Олий Мажлис ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти директори

Ўзбекистон халқи ўз тақдирини ўзи белгилаб, давлат мустақиллигига эришгач демократик ҳуқуқий давлатнинг мустаҳкам ҳуқуқий асосларини яратишга киришди.

Тез орада, яъни 1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинди. Мазкур Қомуснинг асосий хусусияти шундан иборатки, у айни вақтда жаҳон конституциявий тажрибаси ҳамда кўп асрлик миллий давлатчилик хусусиятларини ўзида акс эттиради. Шу маънода Бош Қомусимиз халқимиз иродаси, эркинлиги, руҳи ва маданиятининг ифодаси бўлиши баробарида халқимиз тафаккури ва ижодининг маҳсули, шунингдек, жаҳон конституциявий жамғармасининг таркибий қисми ҳисобланади.

Демократик ва ҳуқуқнинг замонавий талабларига жавоб берадиган асосий тамойилларнинг белгиланиши Конституциямизнинг ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Бундай тамойилнинг бири — бу халқ ҳокимияти ва халқлар тенглигини эътироф этишдир. Шу маънода Конституциямизда сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрлар плюрализми, Конституция ва қонун устунлиги, халқаро ҳуқуқ ва умумэътироф этилган тамойиллар устуворлиги илк марта ўз аксини топди.

Конституциямиз шахс, унинг ҳуқуқлари ва эркинликларининг давлатдан устунлигини эълон қилди. Бу қоида Конституциямизнинг иккинчи бўлимида ўзининг амалий аксини топган.

Конституциямизда биринчи ўринга шахс ҳуқуқлари ва эркинликлари, кейин сиёсий ҳуқуқлар, сўнгра эса иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар қўйилган.

Инсоннинг яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи, айбсизлик презумпцияси, фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқи шахс ҳуқуқлари ва эркинликларининг асосийлари ҳисобланади. Жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш, касаба уюшмалари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш: давлат органлари, муассасалари ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқлари — сиёсий ҳуқуқларни ташкил этади.

Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар орасида, авваламбор, мулк ҳуқуқини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Конституция асосий ҳуқуқлар ва эркинликларни эълон қилиб, уларнинг таъминланишини кафолатлайди. Бунга ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилишни кафолатлаш, шунингдек, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи ёрдамида эришилади.

Ўсиб келаётган авлод ҳамда аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий ҳимоялаш ҳақида ғамхўрлик қилган ҳолда Конституция вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқларини кафолатлайди. Халқаро ҳуқуқ устуворлиги тамойилига амал қилиб, Асосий қонун эркаклар ва хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқлилигини эътироф этади.

Бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик тизими ҳамда режали иқтисодиёт ҳукмрон бўлган шароитда мулк давлат қўлида бўлиб, одамлар ташаббусига йўл бермас, уларнинг ўзини тўлақонли мулкдор ва ҳақиқий хўжайин деб ҳис этишига имкон бермас эди. Мустақил Ўзбекистон Конституцияси бу ҳолатни тубдан ўзгартиради. Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади, мулкдор эса мулкига ўз хоҳишига кўра эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади, деган меъёр конституциявий миқёсда мустаҳкамлаб қўйилади.

Умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ меъёрларини ҳисобга олиб, Конституциямизда ҳокиматлар бўлиниши тамойили эълон қилинган. Бу тамойил давлат ҳокимияти — қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятидан иборат қилиб ташкил қилиниши бутун тизимига сингиб кетган.

Конституция ижро этувчи ҳокимият органларининг бутун тизими — унинг олий органларидан маҳаллий органларигача барчаси самарали ишлаши учун ҳуқуқий асослар яратади.

Конституцияда белгиланганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир.

Конституция замонавий демократия талабларига жавоб берадиган суд тизимини кафолатлайди.

Конституциянинг энг асосий аҳамияти шундан иборатки, у бир томондан, халқнинг демократик иродаси асосида Ўзбекистон мустақиллигини ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлайди. Бошқа томондан эса республикамизнинг бутун қонун ҳужжатлари ва қонун яратиш жараёни, унинг бозор иқтисодиёти муносабатлари, демократлашуви ва ижтимоий тараққиётининг ҳуқуқий негизи ҳисобланади.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, демократик ўзгаришларнинг бориши инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муаммосига, инсоний ўлчовлар соҳасидаги қонун ҳужжатларига, фуқароларнинг қонунга итоат этишига, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлиб, улар янги конституциявий тафаккур ва дунёқарашни шакллантиришга кўмаклашади.

Миллий давлатчиликни мустаҳкамлашнинг муҳим вазифаларини ҳал қилишда фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ҳамда ҳуқуқий саводхонлигини сохта даражада шакллантириш муаммолари муҳим аҳамият касб этади. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ҳам бунга ўз эътиборини қаратади: "Ҳуқуқий маданиятнинг юқори даражада бўлиши ҳуқуқий давлатнинг ўзига хос хусусиятидир. Бозор иқтисодиётини шакллантириш шароитида ҳуқуқий маданиятни ошириш муҳим иш ҳисобланади. Шу билан бирга ҳуқуқий маданият савияси қабул қилинган қонунлар сони билан эмас, балки ушбу қонунларнинг барча даражаларда ижро этилиши билан белгиланади. Ушбу муҳим ишда одамларда қонунларга ва норматив ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан чуқур ҳурмат ҳиссини тарбиялаш алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, ҳуқуқий нормалар одамлар онгига сингган ва улар орқали амал қилган тақдирдагина яшайди ва рўёбга чиқади".

2001 йил 4 январда Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги Фармойиши чиқарилиши ҳуқуқий онгни тарбиялаш ва ривожлантириш жараёнида муҳим аҳамият касб этди. Фармойишнинг асосий мақсадлари Конституциянинг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини, унинг мазмуни ва моҳиятини ўрганиш, шунингдек, ҳуқуқий билимларни тарғиб этиш ва ташвиқот қилишдан иборатдир.

Ушбу ҳужжатнинг муҳимлиги яна шундан иборатки, ҳуқуқий жиҳатдан хабардорлик одамнинг ҳуқуқий соҳада ижтимоий фаол ҳулқ-атворини таъминлайдиган шартлардан бири ҳисобланади. Шу муносабат билан тегишли ташкилотлар, юридик таълим ҳамда илмий-тадқиқот муассасаларига оммавий ахборот воситалари билан биргаликда Конституциянинг ўрни ва аҳамиятини тарғиб этиш ишларини қучайтириш, аҳолининг кенг қатламлари эътиборига унинг асосий қоидаларини ҳаммабоп қилиб етказиш вазифаси юкланди.

ОИЛА – ЖАМИЯТ АСОСИ

Шарифа САЛИМОВА,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Оила ва аёллар муаммолари комиссияси раиси

"Инсон ва жамият, шахс ва оиланинг ўзаро муносабатлари, уларни табиий равишда уйғунлаштириш Асосий Қомусимиз пойдеворини ташкил этади", — дея таъкидлаган эди муҳтарам Президентимиз Конституциянинг олти йиллигига бағишланган тантанали мажлисда сўзлаган нутқида.

Мустақил Ўзбекистонимизнинг биринчи Конституциясида оилавий муносабатларга алоҳида "Оила" деб номланган XIV боб бағишланган. Унда оила-жамиятнинг асосий бўғини эканлиги, оналик ва болалик давлат томонидан ҳимояланиши, вояга етган, меҳнатга лаёқатли болалар ота-оналарига ғамхўрлик қилишлари шарт эканлиги алоҳида қайд этилган. Шунингдек, никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланиши, ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбур эканлиги, давлат ва жамият етим ҳамда ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлаши, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларини рағбатлантириши, фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенг эканликлари ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланган.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, юртимизда мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ оила ва хотин-қизлар масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Президентимизнинг 1992 йил 12 сентябридаги **"Республика Маҳалла хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида"**ги Фармонига мувофиқ кам таъминланган оилаларга моддий ва маънавий ёрдам беришни ташкил этиш тўла йўлга қўйилди. 1993 йил 4 мартда эса **"Соғлом авлод учун"** ордени таъсис этиш тўғрисида Президент Фармони эълон қилинди. 1993 йил апрелда **"Соғлом авлод учун"** халқаро хайрия жамғармаси ташкил этилди. Бозор муносабатларининг барча босқичларида кучли ижтимоий сиёсат Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлининг асосий тамойилига айлангани сабабли фарзандларни тарбиялаш муаммоларини ҳал этишда ижтимоий кафолатларни таъминлаш, уларнинг ҳар томонлама камол топиши учун **"Болалик оналарга давлат ижтимоий ёрдами тизимини такомиллаштириш тўғрисида"**ги Фармон (1994 йил 16 июн) қабул қилинди. Муҳтож оилаларга моддий ва маънавий ёрдам беришнинг кўламини кенгайтириш мақсадида Президентимизнинг **"Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида"**ги 1994 йил 22 август Фармони алоҳида аҳамият касб этди.

Шунингдек, юртимизда ҳар бир йилни "Оила йили", "Инсон манфаатлари йили", "Аёллар йили", "Соғлом авлод йили", "Оналар ва болалар йили" деб аталиши ва шу муносабат билан Давлат Дастурларининг қабул қилиниши жамият тараққиётида маънавий баркамол ва жисмоний соғлом авлодни камол топтиришда оиланинг ўрни беқиёс эканлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва шу асосда қабул қилинган қонунлар, янги Фуқаролик Кодекси билан бақамти келадиган Оила Кодексининг қабул қилиниши оила муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш ва такомиллаштириш йўлида яна бир муҳим қадам бўлди. Зеро, ҳар бир қабул қилинаётган янги қонунларнинг пойдеворида Асосий Қонунимиз — Конституциямиз туради. Ўзбекистон Парламентида Оила ва аёллар муаммолари комиссиясининг ташкил этилиши ва иш бошлаши ҳам республикамизда оилага нисбатан давлат томонидан алоҳида ғамхўрлик кўрсатилаётганидан далолатдир.

Президентимизнинг **"Буюк давлатни фақат соғлом миллат, соғлом авлодгина қура олади"**, деган сўзлари замирида улкан маъно-мазмун мужассам. Табиийки, соғлом фарзандлар муқаддас тарбия ўчоғи — оилада дунёга келади ва камол топади. Оила, оналик, оталик ва болалик эса давлат ҳимоясига олинган. Бу муҳофаза эса биринчи галда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунчиликнинг деярли барча соҳаларида назарда тутилган нормалар воситасида амалга оширилади.

Ислом Каримов Асосий Қонунда инсон ҳуқуқлари ва давлат мустақиллиги ғояларига содиқлик, ҳозирги ва келажак авлодлар олдида чуқур масъулиятни ҳис этиш, ўзбек давлатчилигининг тарихий тажрибаларига таяниш, демократия ва қонунийликка ҳурмат, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган нормаларини тан олиш, Ўзбекистоннинг муносиб ҳаётини таъминлаш, инсонпарвар ҳуқуқий давлат яратиш ва ниҳоят, мустаҳкам фуқаровий тинчлик ҳамда миллий келишувни таъминлаш каби эзгу ниятларни мужассамлаштиришга ҳаракат қилди.

Н.МИШИН

МУЛК КАФОЛАТИ



Рауф ҒАФФОРОВ,
фалсафа фанлари номзоди

Собиқ шўролар тузуми етмиш йилдан ортиқроқ даври мобайнида бозор иқтисодиётига мутлақо алоқаси бўлмаган иқтисодиётни яратишга, яъни мулкни ёппасига давлат ихтиёрига олиш, ресурсларни марказлаштирган тарзда буйруқбозлик—режалаштириш асосида бошқариш ва тақсимлаш йўли билан ижтимоий адолатни қарор топтирмоқчи бўлди. Бироқ Президентимиз Ислом Каримов айтганидек, **ҳар қанча олижаноб шиорлар билан бежаб бўялса-да, моҳият-эътиборига кўра мустамлака салтанати бўлган Совет Иттифоқи бесамар коммунистик тажриба қурбони бўлди.**

Ўзбекистон сиёсий мустақилликка эришгандан сўнг унинг олдида иқтисодий мустақилликни мустаҳкамлашдек ғоятда муҳим вазифа турарди.

Тарихга назар солсак, барқарор анъаналар мамлакати ҳисобланган Ўзбекистон ҳудудида бозор муносабатлари қадим замонларда Буюк ипак йўли теграсида шаклланган ва ўша замонга хос ўз тараққиётига эришган. Тарихий ҳужжатларнинг гувоҳлик беришича, бундан минг йиллар муқаддам Самарқанд, Бухоро ва Хива савдогарлари одамларни ўзига жалб қиладиган чиройли, пишиқ товар ва буюмларни Ҳиндистон, Хитой, Ғарбий Европа мамлакатларига етказиб берган. Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўлини танлашда ана шу тарихий ва замонавий тажрибалар уйғунлаштирилди. Бу йўлнинг асосий қоидалари Президентимиз Ислом Каримовнинг **"Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли"** номли асарида, батафсил баён этиб берилган. Шу жумладан, тадбиркорлик ва ташаббускорликнинг ҳар томонлама ўсиши учун асос бўладиган кўп укладли иқтисодиётда хусусий мулкчиликни вужудга келтириш, унинг давлат томонидан ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсад-вазифаларидан бири қилиб қўйилди. Шу боис Асосий қонун — Конституциянинг 53-моддасида **"Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шаклдаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларини тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.**

Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин", дея қайд этилган.

Бунинг натижаси ўлароқ, бозор инфраструктураси, чунончи, Товар ишлаб-чиқарувчилар ва тадбиркорлар Палатаси, Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси, икки даражали банк тизими, Бизнес-фонд, суғурта компаниялари, биржалар, лизинг ва консалтинг компаниялари барпо этилди. Улар аниқ бозор йўналишларига қаратилгани билан эътиборлидир. Фуқаролик кодекси, Ер кодекси, Солиқ кодекси, **"Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида"ги, "Тадбиркорлик ва тадбиркорлик фаолиятининг кафолатлари тўғрисида", "Инвестиция фаолияти тўғрисида"ги, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги, "Кишлоқ хўжалик кооперативи (ширкати) тўғрисида"ги, "Деҳқон хўжалиги тўғрисида"ги, "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги, "Хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш ва ривожлантириш тўғрисида"**ги ва бошқа қонунлар мулкчиликнинг турли шакллари фаолиятини кафолатлайдиган муҳим ҳужжатлардир.

Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шаклдаги мулкчилик ташкил қилади. Бу борада кичик ва ўрта бўғин тадбиркорлик ғоят муҳим аҳамият касб этади. Чунки кичик ва ўрта бўғин тадбиркорлик аҳолининг талай қисми учун ўз меҳнатини қўллайдиган жабҳа ва даромад манбаи саналади.

Шу боис мулкдорликнинг асоси бўлган кичик ва ўрта тадбиркорлик мамлакат иқтисодиётида тобора салоҳиятли ўрин эгалламоқда. Кичик ва ўрта тадбиркорлик билан шуғулланувчи тадбиркорларга кенг йўл очиб берилиши баробарида улар молиявий, ҳуқуқий маънавий тарафдан қўллаб-қувватланаяпти. Масалан, 2001 йилнинг ўтган 9 ойи ҳолатига кўра 194,1 минг кичик ва ўрта бизнес корхоналари ташкил этилди. Таққослаш учун яна бир далил: шу йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизмат кўрсатишдаги мамлакат ялпи ички маҳсулотида кичик ва ўрта тадбиркорликнинг салмоғи 24,9 фоизга тенг бўлди. Кичик ва ўрта тадбиркорликка оид ташқи савдо айланмаси жорий йилнинг январ-сентябр ойларида 841,1 млн. АҚШ долларини ташкил этди ва 2000 йилнинг шу даврига нисбатан таққослаганда 51,2 фоиз ўсди. Жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида кичик ва ўрта бизнес тадбиркорлик субъектлари 225,1 млн АҚШ доллари ҳажмида маҳсулот экспорт қилишди, бу эса 2000 йилнинг 9 ойи мобайнида қилинган экспортдан 70,5 фоиз оширилди. демакдир. Бугунги кунда мамлакатиимздаги икки иш ўрнининг бири ва иш билан банд аҳолининг 4844,1 минг нафар кишиси кичик ва ўрта бизнес корхоналари ҳисобига тўғри келади.

Хулоса шуки, Конституция асосида қабул қилинган янги қонунлар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, иқтисодий эркинликлар хусусий мулкчилик ҳуқуқининг мустаҳкам ҳуқуқи кафолатини таъминламоқда. Бу эса иқтисодиётининг турли соҳаларида бозор механизмларининг самарали ишлаши учун кенг имконият яратаётир.

БУЮК КЕЛАЖАКНИНГ ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОРИ

Мустақил давлатимиз Конституциясининг қабул қилинганига 9 йил тўлди



Шуҳрат ФАЙЗИЕВ,
Адлия вазирлиги Ҳуқуқий сиёсатни мувофиқлаштириш ва ўқув муассасалари бошқармаси бошлиғи

ЭКОЛОГИК ҚОНУНЧИЛИК ТАРАҚҚИЁТИ

Исталган давлатда амалга оширилади ган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар жараёнида табиий ресурслар ўзига хос ўрин тутади. Шу боис табиий ресурсларни муҳофаза қилиш, улардан оқилона фойдаланиш муносабатларини тартибга солиш миллий қонун ҳужжатларининг асосий мақсади ҳисобланади. Шўро даврида мамлакатимиз ҳудудидаги табиий-жўғрофий бойликлардан аёвсиз фойдаланиш, табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ чора-тадбирларнинг бажарилмаслиги натижасида экологик инқироз кескинлашди, ерларнинг шўрланиши, сув ресурсларининг ифлосланиши ортиб кетди, Орол денгизи ва Оролбўйида экологик муҳит издан чиқди, ерости бойликларидан режасиз фойдаланилди, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг ноёб турлари йўқолиб кетди, атмосфера ҳолати ўзгаришга учради.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ республикамиз ҳудудидаги барча табиий ресурс ва заҳиралар халқимизнинг мулки сифатида эътироф этилди ва бу ҳол қонун ҳужжатларимизда ўз аксини топди. Истиқлол йилларида табиат объектлари халқимизнинг миллий бойлиги сифатида эътироф этилиб, табиат қонуниятлари устуворлиги тан олинган ҳолда миллий хусусиятларимиз асосида изчил экологик сиёсат йўлга қўйилди.

Асосий қонунимизнинг 50, 54, 55 ва 100-моддаларида табиатни муҳофаза қилиш, табиий бойликларимиздан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ экологик ҳуқуқий қоида-талаблар акс этган. Жумладан, Конституциямизнинг 50-моддасида белгиланган **"Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар"** деган қоида фуқароларнинг экологик мажбуриятларини конституция миқёсида мустаҳкамлайди.

"Жамиятнинг иқтисодий негизлари" деб номланган XII бобида мамлакатимиз ҳаётининг иқтисодий асослари, яъни мулкчилик масалалари, хўжалик юритиш ва тадбиркорлик фаолиятининг кафолатлари белгилаб берилган. Улар ҳозирги пайтда амалга оширилаётган ислоҳотларни чуқурлаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу бобнинг 54-моддасида шундай дейилган: **"Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт".**

Ушбу моддада, биринчидан, мулк ҳуқуқининг мазмуни эътироф этилса, иккинчидан, мулкдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний ва юридик шахсларнинг хўжалик ҳамда ишлаб чиқариш жараёнида экологик муҳитга зиён етказмаслиги, яъни уларнинг экологик мажбуриятлари кафолатланган.

Конституциянинг 55-моддасида **"Ерости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий заҳиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур"**, деб ифодаланган бўлиб, давлат экологик сиёсатининг асосий тамойилларини ўз ичига олади.

Ушбу конституциявий қоиданинг аҳамияти шундаки, у биринчидан, мустақиллигимизни моддий асосини ташкил этувчи табиий бойликларнинг халқимиз бойлиги, мулки эканлиги, иккинчидан, табиий ресурслардан фақат оқилона фойдаланиш зарурлиги, учинчидан, республикамиз табиати давлат муҳофазасига олинганлиги, яъни экологик-ҳуқуқий муносабатларни давлат томонидан кафолатланиши каби муҳим тамойилларни қонун асосида мустаҳкамлайди.

Асосий Қонунимизда давлат экологик сиёсатининг асосий йўналишлари белгиланса, ушбу конституцион қоидаларга мос равишда қабул қилинадиган қонунларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг талаблари ва механизми ўз аксини топади.

Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг Конституциямиз қоидалари асосида экология соҳасига оид бир қанча қонунлар қабул қилинди. **"Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги, "Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида"ги, "Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги, "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"**ги, **"Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғриисда"**ги **"Экологик экспертиза тўғрисида"**ги қонунлар шулр жумласидандир. Мазкур ҳужжатларда табиатни муҳофаза қилиш, табиий объектлардан оқилона фойдаланиш ва аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларнинг мақсади, вазифаси, экологик қонунчилик талабларини бузганлик учун юридик жавобгарлик чора-тадбирлари каби муҳим экологик-ҳуқуқий қоидалар белгиланган.

Конституциянинг XXI бобида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқий ҳолати тайин этилган. Мисол учун айтадиган бўлсак, ушбу бобнинг 100-моддасида маҳаллий давлат ҳокимият органлари ваколатларининг асосий йўналиши сифатида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш вазифаси эътироф этилган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Асосий қонунимизда табиатни муҳофаза қилиш, улардан оқилона фойдаланиш юзасидан нафақат фуқароларнинг экологик мажбурияти, мамлакатимизда фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектлар масъулияти, балки давлат ҳокимияти органларининг асосий вазифасини белгиловчи қоидалар ўзининг теран ифодасини топган.

ФУҚАРО, ЖАМИЯТ, ДАВЛАТ УЙҒУНЛИГИ

Фарҳод ТОҲИРОВ,
ҳуқуқшунослик фанлари номзоди

Ҳуқуқий демократик жамият барпо этаётган ҳар бир халқ, миллатнинг обрў-эътибори, ғуруру ифтихори унинг Конституцияси саналади. Шу маънода мамлакатимиз, Конституцияси мустақиллик даврининг буюк ҳодисаси десак, асло хато бўлмайди. Бош Қомусимиз истиқлол тамойилларини ўзида тўла мужассам этган олий даражадаги ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади.

Конституциямиз халқимизнинг миллий манфаатлари, кўп асрлик орзу-умиди ва интилишларидан келиб чиқиб, дунёнинг тараққий этган давлатлари илғор тажрибаларини ҳам ўзида тўла мужассам этган. Конституциямизда илгариги "социалистик" конституциялардан фарқли равишда "евроцентристик тартибга солиш"га уриниш асло учрамайди.

Истиқлолнинг эркинлик сиёсати боис мамлакатимизда ҳар бир инсоннинг ҳуқуқий эркинликлари муқаддас деб эълон қилиниб, давлат ҳимоясига олинди. Давлат фуқаролар олдида масъул экан, уларнинг муносиб ҳаёт кечиришлари учун барча зарур шарт-шароитларни яратиб бермоғи кераклиги уқтирилади. Шу билан бирга инсон ҳуқуқларининг устуворлиги белгилаб қўйилади. Давлатимиз мустабид тузум ҳукмронлигидан инсоннинг давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари билан муносабатларини ҳуқуқий негизига қўйишдек туб ўзгаришлар йўлида жуда улкан қадам қўйди. Инсон ҳуқуқларини амалга ошириш кафолатларини яратишнинг асосий ғояси сифатида ҳокимиятнинг мустақил ва ҳеч кимга тобе бўлмаган тармоғи ҳисобланган суд эътироф этилди ҳамда судлар ваколати кенгайтирилди. Мустақиллик аввало, ҳуқуқ экан, бу ҳуқуқ демократик жамиятда фуқаро эркинликларининг меъёри деган маънони англатади. Ҳуқуқий давлат Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш давлат ҳокимиятини ташкил этиш тизимида, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг юридик асосларини яратишда аҳолининг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигини мужассамлаштирилмоқда.

Халқимиз ўз олдига эркин фуқаролик жамияти ва демократик давлат қуришни мақсад қилиб қўйган экан, шахснинг демократик ривожланиш қоидаларига риоя этиш зарурлигини биринчи ўринга қўйди.

Инсон ҳуқуқлари даражаси жамият маърифати ва демократик тамойиллар билан ўлчанади. Конституциямизнинг 13-моддасида **"Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, унга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.**

Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳамкорликда ҳимоя қилинади", дея қайд этилган. Шундан келиб чиқиб айтиш керакки, давлатимиз миллати, дини ва ижтимоий келиб чиқиши, мавқе, сиёсий, диний эътиқодидан қатъи назар, умумбашарий инсонпарварлик қоидаларига асосланган ҳолда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб беради.

Мустақил давлатимиз Бош Қомусини шўро замонидаги конституциялар билан солиштирсак, бугун ҳаётимизда том маънода мустақиллик ва эркинлик тизимининг яратилгани, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланганини кўрамиз. Конституциямизда инсон дунёда энг олий мукаррам зот деган ғоя илгари сурилган. Шу билан бирга "фуқаро-жамият-давлат" ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар ўзининг оқилона ечимини топган. Бу эса мамлакатимизнинг барча фуқаролари тенг ҳуқуқ ва эркинликларга эга, деган маънони англатади. Фуқаро ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдир. Конституциямизда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини белгилашда "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси" ғоялари ўзининг яққол ифодасини топган. Конституцияда белгиланган фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларига — меҳнат қилиш, дам олиш, қариганда ёки меҳнат лаёқатини йўқотганда моддий таъминот олиш, илм олиш, матбуот, виждон эркинлиги, жамоат уюшмаларига уюшиш, шахс, уй-жой дахлсизлиги, хат ёзишмаларни сир сақланиши сингари ҳуқуқ ва эркинликлар киради. Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришган биринчи кундаёқ демократик ҳуқуқ ва эркинликларга йўл очиб берди, уни амалга оширишни моддий ва маънавий жиҳатдан таъминлади. Конституциямизнинг 43-моддасида **"Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди"** дея таъкидланган. Юқорида келтирилган халқаро ҳужжатга асосланиб, фуқаролар ҳуқуқлари уларга ҳеч томондан берилмайди, балки бунга табиий равишда эга бўладилар. Давлатнинг инсонпарварлик вазифаси эса қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликларнинг амалга ошиши, рўёбга чиқаришни таъминлашдан иборат.

Бу ҳуқуқий давлатнинг муҳим вазифасидир. Конституциямизда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларни амалга ошишини оддийлаштириш, осонлаштириш учун давлат қўшимча ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади. Бу эса тегишли ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланишнинг имкониятларини кенгайтиради. Конституциямизнинг 31-моддаси фуқароларнинг виждон эркинлигини мустаҳкамлаган бўлса, бу ҳуқуқни таъминлаш чора тадбирлари **"Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги** Қонунда белгилаб қўйилди. Ўзбекистон Республикаси фуқароси қонунга асосланмаган ҳолда қамалиши, қамоқда сақланиши мумкин эмас. Бу республика Жиноят кодекси билан мустаҳкамланган. Шунингдек, **"Сайлов тўғрисида"**ги Қонунда ҳам фуқароларнинг судга шикоят қилиш ҳуқуқи бир неча моддаларда белгиланган. Демак, фуқароларнинг судга шикоят қилиш ҳуқуқи ва ўз ҳуқуқ эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш имкониятининг мавжудлиги ҳуқуқ ва эркинликларнинг муҳим кафолатлари саналади.

ҲУҚУҚИЙ ТИЛ МУКАММАЛ БЎЛСИН!

Таклиф

Халқимиз эркин фуқаролик жамияти, ҳуқуқий демократик давлат барпо этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Истиқлол йилларида юртимизда давлат қурилиши, сиёсат, иқтисодиёт ва маънавият соҳаларида амалга оширилаётган қўламли ислоҳотлар моҳият-эътибори билан ана шу ззгу мақсадни рўёбга чиқаришга қаратилган. Бу олий мақсадга эришишда фуқароларнинг ҳуқуқий жиҳатдан билимли бўлиши, жамиятнинг сиёсий фаоллиги, демократик тамойилларнинг қишилар онгига теран сингиб бориши муҳим аҳамият касб этади. Қонунлар одамлар онгида ана шу тушунчаларни шакллантиришга хизмат қилиши даркор. Бу эса ҳуқуқ-тарғибот идоралари, шу соҳа ўқув юртлари, ҳуқуқшунос олимлар олдига кўплаб вазифаларни қўяди.

Халқимизнинг давлатчилик тарихи жуда қадим замонларга бориб туташади. Шу боис тилимизда ҳуқуқ билан боғлиқ атамалар ниҳоятда ранг-баранг бўлиб, айниқса, давлатимиз мустақил бўлгач, мазкур қатлам янада бойиди.

Лексика тилнинг шундай соҳасики, унда ижтимоий ҳаётда юз берадиган ҳар қандай ўзгаришлар ўз аксини топади. Шундай экан, атамаларни ўзлаштиришда ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятлари инобатга олиниши шарт. Тилшуносликда атама ёки бирор лексик бирликни ўзлаштириш жараёнида уларнинг муқобили ўзбек тилида бўлмаса, ортиқча суньийликка йўл қўймасдан хорижий атамаларнинг ўзини айнан қабул қилиш тамойили мавжуд. Шу маънода хорижий атамаларни тўғридан-тўғри олганда оддий халқ тушуниши осон бўлиши учун айнан шу атаманинг изоҳини қавс ичида берилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан, аутентичное толкование — аутентик шарҳ, (ҳуқуқ нормасини расмий изоҳлаш, яъни уни қабул қилган орган томонидан талқин этиш), вердикт — вердикт, ҳақиқатнома (махсус чиқариладиган суд маслаҳатчиларининг иштирокида кўрилган иш юзасидан судланувчининг айбли ёки айбсизлигини аниқлайдиган ҳолат-хулоса), геноцид — геноцид (муайян миллий, этник, ирқий ёки диний гуруҳлар вакилларини ўлдириш, саломатлигига зарар етказиш, туғилишига қаршилик йўли билан уларни қисман ёки батамом йўқ қилиш ҳаракати). Бу ўринда қисқача таъриф бериш ҳам мумкин: БТМ Бош Ассамблеясининг 1946 йил 11 декабрдаги резолюциясига кўра "геноцид" инсониятга қарши содир этилган халқаро жиноят турларидан биридир. БМТ 1948 йилда геноциднинг олдини олиш ва унинг учун жазолаш мақсадида халқаро битим (конвенция) қабул қилган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 153-моддасида "геноцид" жиноятн учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Бундай сўзлар жумласига қуйидагиларни ҳам қўшиш мумкин:

Ганстер — ганстер (бандитлар тўдаси қатнашчиси), бандитизм — бандитизм, (қуролли босқинчилик, жамоат хавфсизлигига қарши қаратилган жиноят), **коррупция** — коррупция, (мансабдор шахсларнинг ўзларига ишониб топширилган ҳуқуқлари ва ҳокимият ваколатидан шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланиши. У порахўрлик, мансабини суиистеъмол қилиш ва бошқа ноқонуний ҳаракатларни ўз ичига олади), **контрабанда** — контрабанда (чегарадан яширинча товар ўтказиш, чет элга ғайриқонуний мол чиқариш). Контрабанд ҳаракатларини содир этган шахс Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 246-моддасига биноан жиноий жавобгарликка тортилади, **дезертир** — дезертир (ҳарбий қисмни ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш ёки ҳарбий хизматга чақирувчидан бўйин товлаган киши).

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин кўплаб янги қонунлар қабул қилиндики, уларда кўпдан-кўп атамалар истифода этилган. Таъкидлаш жоизки, давлат томонидан чиқарилаётган барча қонунлар маълум тоифадаги айрим кишиларгагина эмас, балки жамиятдаги ҳамма инсонларга тааллуқли бўлади. Шу маънода халқ оммаси давлат қонунлари билан танишганида қонундаги ҳар бир моддани, ҳар бир ўзлашган атамани бир хил тушуниши лозим. Акс ҳолда бу ҳол турли ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка олиб келиши мумкин. Бундай салбий оқибатларнинг олдини олиш учун қонунда ифодаланаётган ҳуқуқий нормалар аниқ, равон ва оддий халқ оммаси тушунадиган бўлиши зарур. Бу эса тез орада она тилимизда ҳуқуқий атамалар изоҳли луғатларини тайёрлашни тақозо этади.

К.ТОҲИРОВ,
ТДЮИ ўқитувчиси

АГАР ҲУҚУҚИНИ БИЛГАНИДА...

Дунёнинг ишлари

Қаршимда саксон ёшни қоралаб қолган мунис онахон ўтирибди. Бутун умри қишлоқда кечгани, бизникидай маҳкамаларга иши тушмаганидан ҳатто идорамизнинг номини ҳам эплаб айтолмайди. Кўриниб турибдики, унга аллаким "Шу идорани қоралаб борсанг, ишинг битади", деган.

Онахоннинг содда дунёқарашию, ҳаминқадар ҳуқуқий онгига тил теккизишнинг ўзи катта гуноҳ. Ҳа, шундай. Бироқ ўша соддадиллигу ҳуқуқини танимаслик оқибати момонинг ҳаётини аллақачон заҳар-заққумга айлантиргани шундоққина кўриниб турибди. Афсуски, онахонимизнинг ҳам, уни бу кўйга солганларнинг ҳам номини тилга ололмаймиз. Буни момонинг ўзи илтимос қилди: бир ҳимоясиз, ожиз бандага қўл кўтарган, муттасил ҳақоратлаб ва таҳқирлаб келган ўғли ва келинини бадном этмаслигимизни ўтиниб сўради. Қаранг, шунча ҳақорату маломатлардан кейин ҳам онахон уларни ҳимоя қилмоқда. Аслида ўғил киму келин ким, онахоннинг ўзи-чи?

Даставвал таъкидламоқ жоизки, ҳузуримизга бош уриб келган Ёқут момо (уни шартли равишда шу ном билан атаймиз) ўз ҳақ-ҳуқуқларининг у ёки бу тарзда бузилганидан шикоят қилмади. Аксинча, бошқалар сингари оёғини узатган кўйи тинчгина жон беришдан ўзга муроди йўқлигини ётиғи билан баён этди.

Қариган чоғида меҳнатларнинг роҳати, ўзи оқ ювиб, оқ тараган фарзандларининг хизмати-ю, ардоғини кўриш ўрнига қувғину таҳқирларга дучор этилган муштипар онахоннинг илтижоли боқишларига бефарқ қаролмадик. Гарчи вазифамиз тақозо этмаса-да, инсонийлик фарзу қарзларига биноан вазият билан атрофлича танишдик. Шунда аён бўлдики, Ёқут момо иккинчи жаҳон урушида қурбон бўлган марҳум жанг чининг беваси экан. Фарзандларни ўша суронли йиллар ғам-кулфатларидан омон олиб чиққан, ҳам ота, ҳам она ўрнида юрак меҳри, оқ сутини бериб парваришлаган, камолга етказган, оилали, уйли-жойли қилган мўътабар зот, матонатли аёл. Бу хизматлари учун фарзандлар уни бир умр бошларига кўтариб юрсалар арзийди, албатта. Аммо улар бу фарзни адо этишга ноқобил бўлиб чиқишди. Уй онанинг номида бўлишига қарамай, кенжа ўғли ва келини уни эгаллаб олишди. Бу билан ҳам чекланмай, кекса онани галма-галига таҳқирлашди, уйдан неча бор қувлаб ҳам чиқаришди. Хуллас, ҳақорат ва иғво-бўҳтонларнинг адоғи бўлмади. Бунга чидай олмаган онахон бир неча бор уйидан бош олиб чиқиб кетди. Яхшиямки, уни меҳр-оқибатли қўшнилар, қариндош-яқинлар бағрига олишди. Бироқ ҳарна қилсаям, ўзганинг уйи ўлан тўшак бўладими?! Шу боис момо ўз яқинларининг ҳарчанд уринишига қарамай, бирон жойда муқим яшай олмади, гоҳо у, гоҳо бу одамларнинг уйларида тунаб юрди. Кунларнинг бирида эса нохос хасталаниб, тўшакка михланди, ўлимига кўзи етди. Ўлсам, ўз уйимда ўлай, деган азалий ўзбекона туйғу уни яна ўша машъум хонадонга етаклади. Она ўзининг бир неча ойлик сарсон-саргардонлиги балки фарзандларимнинг тош бағрини эритгандир, инсофга чорлагандир, деб ўйлаганди. Афсуски, онанинг умидлари пуч бўлиб чиқди. Ношукр келин ёстиққа михланган онаизорнинг оғзига бир пиёла иссиқ чой тутиш нарёқда турсин, ён-атрофдаги барча егуликларни ичкари уйга яширди, эшигига катта қулф осди. Шунда онанинг ноласига яна меҳр-оқибатли ҳамсоялар қулоқ тутишди. Қўшнилардан бири хонадон соҳибаси келиндан яшириб, ётар чоғи Ёқут момонинг қошига бир пиёла сув элтди. Лекин буни пайқаган келин ўша сувни ҳам момонинг қўлидан юлқиб олиб, тўкиб ташлади.

Бу воқеани эшитгач, қўниқўшнилардан момонинг аслида кимлигини яна бир бора суриштирдик: деярли бари ўзимизнинг онамиз, бувижонимиз, дея таърифлашди. Момонинг ўзи эса кўзда ёш билан Яратгандан ўлимини тезлатишни сўради...

Биласиз, меҳр-оқибатни ҳеч қайси қонун бировнинг юрагига зўрлаб сингдиролмайди. У инсон дилида азалдан мавжуд бўлмоғи даркор. Зеро, инсон ўзга инсон олдида абадий қарздордир. Бу — инсоний фазилатларни адо этмоқ қарзи. Бинобарин, ўзини бундай қарзлардан ҳоли билгучи кишини инсоний фазилатлардан бебаҳра қолганлар сафига қўшишга ҳақлимиз. Инсонийликдан бенасиб кимсалар элюрт назаридан ҳам бебаҳрадирлар. Зеро, халқимиз қадрлаганни қадрлайди, қўллаганни қўллайди. Ота-она, у ким бўлишидан қатъий назар, жамиятда энг улуғ мартаба ва олий иззат-ҳурматга муносиб зот. Ота-она қадрини билмаганлар фарзанд қадрини ҳам билишмайди. Ўша мушфиқ онаизорни ўз уйидан кўчага ҳайдаган тошбағир келин ва оқпадар ўғил энди ўзларининг зурриёдларидан меҳр-ардоқ кутишга ҳақлими?!

Меҳр-оқибат, иймон-эътиқод, инсоф-диёнат инсонни юксакликка кўтаради, аксинча ҳолатлар назардан қолдиради. Ёқут момо билан боғлиқ мулкий эгалик ва фуқаролик ҳолатини ўрганиш жараёнида бари ойдинлашди. Уй муштипар онаники. Энди буёғи Ёқут момога боғлиқ; юраги тош битган баттол ўғил ва келинни уйда қолдириш ёки васият асосида меросдан маҳрум этиш ваколати унинг қўлида. Бинобарин, уйжойларни тасарруф этишнинг ҳуқуқий жиҳатлари бахс-келишмовчиликларни бартараф этишда ҳал қилувчи восита. Афсуски, нотариал фаолиятда бу каби низо ва тортишувларга тез-тез дуч келаяпмиз. Биргина ушбу йилнинг ўзида 50 дан ортиқ фуқаролар мулкий эгаликни кафолатловчи ҳуқуқий ҳужжатларга эга бўлишди. Улар рўй бериши эҳтимол тутилган даъво-жанжалларга ишончли тарзда чек қўяди. Бироқ масаланинг нотариал-ҳуқуқий ечимига қўл силтаб, пировардида унинг жабрини тортаётганлар ҳийла кўп, десак янглишмаймиз. Ҳуқуқий савиянинг саёзлиги фуқароларга айниқса кўп панд бераяпти. Қариган чоғда Ёқут момонинг бошига ёғилган оғир ғам-кулфатнинг бир учи шунга бориб тақалади. Аммо ззгулик ҳам, қинғирлик ҳам беиз кетмас. Хайриятки, яхшилар ошини, ёмонлар эса бошини ейдиган замонада яшаяпмиз. Буни Ёқут момо сингари жаннатий оналарнинг ҳақ-ҳуқуқларини поймол этганларнинг бугунги тавба-тазарруси, аччиқ қисмати яққол тасдиқлайди.

Г.МАДАМИНОВА,
ҳуқуқшунос
Хоразм вилояти

«БОЛАЛАРИМНИНГ ОТАСИНИ СУДГА БЕРАЙМИ?!»

Тақдир экан, биринчи бахтимдан тинмадим. Битта фарзанд билан ажралишдик. Шундан сўнг ўзимдан 22 ёш катта Газимян Темирбулатовга турмушга чиқдим. Ёши улуғ, ҳаёт тажрибасига эга, қадримга етади, эргаштириб келган ўғлим Умиджоннинг бошини силайди, хўрламайди, деган андишада янги хонадонга қадам қўйдим.

У билан ўн йил яхши яшадик. Бу вақт ичида менинг номимга расмийлаштирилган ўн хонали иморат солдик. Ўртамизда 1988 йилда Темуржон, 1993 йилда Озоджон туғилди. Фарзандлар билан оиламиз янада мустаҳкамланишидан умидвор эдим. Бироқ... Аммамнинг келини Моҳира Рустамова эрининг ношудлигидан нолиб, хўжайинимнинг олдига тез-тез келадиган бўлиб қолди. Маслаҳат сўраб келиши, серқатновлиги 1996 йилгача давом этди.

ТАҲРИРСИЗ МАКТУБ

Моҳира билан кексайган бир киши ўрталарида ишқий муносабат пайдо бўлиши эса етти ухлаб тушимга кирмаган эди.

Бу пайтда эрим 67, мен 44, Моҳира 30 ёшда эди.

Оиламизга, орамизга совуқчилик оралади. Биздан беш километр узоқликда жойлашган Оқтош шаҳридан Моҳирага эрим 3 хонали квартира олиб берди. Уйни унинг номига расмийлаштирди. Хуллас, Моҳира Рустамова ёш эрини ташлаб, мени, болаларимни менсимай эримга тегиб олди. Газимян ҳам икки уй орасида қатнаб юраверди.

Мен бу ҳақда Мирбозор фуқаролар йиғинининг ўша пайтдаги раиси Қаюм Сатторовга мурожаат қилишга мажбур бўлдим. Уйимизга келиб, эримга "Сен қачонгача хотинбозлик қиласан. Мутардан олдин уч хотин олиб, ҳар биридан иккитадан бола туғилгач, ташлаб кетиб, яна бошқасига уйлангансан. Бу одатингни ташламасанг, маҳаллада шарманда қиламан" деб дашном берди. Раиснинг гапи тўғри бўлиб, Моҳира унинг бешинчи хотини эди.

Бир куни мен уйда йўқлигимдан фойдаланиб, Моҳира ўғлим Озоджонни калтаклабди. Натижада ўғлим Самарқанд вилоят касалхонасида даволанди. Отаси қорасини ҳам кўрсатмади. 1997 йилнинг январ ойи ўрталарида касалхонадан уйга келганимизда эрим бизни уйга киритмади. Жавобимни берган эмиш. Ўзим иккинчи гуруҳ ногиронман. Шу ҳолда уч ўғлим билан кўчада қолдик. Дунёда яхши одамлар бор экан. Маҳалламизда яшовчи Дилбар Саломова деган кишининг уйида тўрт ой, дугонам Рўзигул Аҳмедованикида олти ой яшадик. Шундан кейин "Бегоналар уйида уч фарзанд билан яшаш уят", дея укам Қўчқор Бўронов бизларни ўзининг ҳовлисига олиб кетди.

Бу орада жуда кўп идораларга бош суқиб кирдим.

Ҳатто эрим ҳақида туман газетасида унинг шаънига доғ бўладиган даражадаги мақола ҳам босилиб чиқди. Аммо, у ҳам эримнинг кўзини очмади, инсофга келтирмади. Ўша йили 20 майда эрим билан Моҳира яшаб турган менинг номимдаги биз сиғмаган уйни ўғлим Темуржон Темирбулатов номига васиятнома ёзиб, Нарпай туман нотариал идораси орқали расмийлаштирдим. Отаси ҳам шулар тинчисин, деган фикрда бўлса керакки, уйнинг ўзига тегишли қисмига ўғлимиз Темуржон номига васиятномани расмийлаштирди. Лекин бу билан мушкулимиз ечим топмади. Ҳалигача мен ва болаларим ўз уйимизга киролмай доғдамиз.

Сарбозор маҳалла қўмитаси раиси Абдурахмон Самандаров ва Мирбозор фуқаролар йиғини раиси Исмоил Муҳаммадиевга бизларни ўз уйимизга киритиб қўйишларини сўраб жуда кўп марта мурожаат қилдим. Қани натижа чиқса. Тумандаги идораларга учрашсам "судга бор" дейишади. Ҳамма ҳужжатлар бор. Майли, судга ҳам бордим дейлик. Аммо бошқа нарса ўйлантиради, истиҳолага бошлайди. Судлашсак болаларим келгусида уйни отаси билан судлашиб олган, деган элнинг, мен эса болаларимнинг таънасига қолмасмиканмиз? Яхшими-ёмонми, Газимян Темирбулатов болаларимнинг отаси-ку?! Болаларимнинг кўнглида отасига нисбатан нафрат кучаймасин дейман. Наҳотки маҳаллий ҳокимият, тумандаги раҳбарлар тошбағир отанинг кўнглини юмшатолмаса? Бизни ўз уйимизга киритиб қўйолмаса? Моҳира ҳақида айтадиган бўлсам, у ҳам она, аёл-ку ахир! Нега бизни тушунишни истамайди.

Жуда кўп ўйлаб-ўйлаб тўрт йил деганда (эрим инсофга келмагач), сизларга мактуб йўллашга мажбур бўлдим, деб

Мутар БЎРОНОВА,
Нарпай тумани

ТАҲРИРИЯТДАН: Мутар опа, хатингиз ва тавсия қилган ҳужжатларингиз — бу бир томон, яъни сизники. Қолаверса, бизга ким ҳақ, ким ноҳақ эканлигини ажрим қилиш ваколати берилмаган. Айтадиганимиз: бардам бўлинг, истиҳола-ю андишанинг ҳам чеки бўлади. Адолатли сўзни суд айтиши керак. Шунингдек, бу борада Самарқанд вилояти мутасадди идораларидан биргаликда жавоб кутамиз.



Аския...

КЕЛИНГ, КУЛИШАЙЛИК

Бир жувон фолбиннинг олдига борибди:
— Бир неча муддат аввал менинг олдимга келган эдингиз, шекилли? — дебди фолбин.
— Ҳа.
— Ўшанда нима дегандим?
— "Эрга тегасан, бола кўрасан", дегандингиз.
— Хўш, фолим тўғри келдими?
— Қисман тўғри келди.
— Яъни?
— Ҳозир ҳомиладорман. Яна фол кўриб, қачон эрга тегишимни ҳам айтиб берасизми дегандим.

* * *

Психиатр беморга:
— Хўп, қани бўлмаса, ҳаммасини бир бошдан айтиб беринг-чи...
— Марҳамат, аввал ер билан осмонни яратдим...

* * *

Икки одам бир-бирига итини мақтаяпти:
— Менинг итим ўзи бориб газета олиб келади.
— Биламан. Буни менга кеча итим айтиб берувди.

Оталар дейдики:

Сенга эзгулик кўрсатган кимсага эзгулик қилган, чунончи Жавзо юлдузи ботгандан кейин Шиъара юлдузининг порлаши гўзалдир.

***

Кимки адоватну хусуматни экса, албатта у ташвишу машаққат ўради.

***

Мард ва олижаноб кишининг энг гўзал фазилатларидан бири ўз бирадарларининг айбларини бекитиб, унинг барча ишларини бамисоли ўзининг ишлари ўрнида кўриб иш тутишидир.

***

Куч ва кўрк ёшлик безаги, қариликнинг безаги эса заковат ва мулоҳазакорликдир.

ҲАҚИҚАТ ЙЎЛИДАГИ ҲАРАКАТ

Азал-азалдан то бугунги кунга қадар содир этилган ҳар қандай жиноятнинг сири ва тафсилотини аниқлашда гувоҳларнинг ўрни муҳим аҳамият касб этиб келади. Чунки гувоҳсиз ниҳоясига етказилган ҳар қандай терговсуриштирув ишларининг оқибатда, барибир ҳақиқатни тўла-тўкис очиб бериши мушкул бўлган.

Шунинг учун қадимги давлатларда ҳақиқатни аниқлашнинг асосий воситаси гувоҳларнинг кўрсатмалари ва турли хилдаги синовлар бўлган.

Энди бевосита жаҳон тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, кўпгина хорижий давлатларнинг суд жараёнида гувоҳларнинг кўрсатмалари муҳим далил ҳисобланган. Фикримизнинг исботи учун бир нечта хорижий давлатлар тарихига мурожаат қиламиз. Жумладан, Миср давлатида судда жиноят ишлари ва мулкий низолар бўйича фуқаролик ишларида ҳам ҳар икки томон ҳамда гувоҳлар қасам ичганлар, шу йўл билан кўрсатмаларига ишонтиришган. Чунки Мисрда гувоҳ ва шикоятчиларнинг қасамлари ҳам далил ҳисобланган. Бу борада суд ишлари шундай олиб борилганки, иш қайси тараф фойдасига ҳал бўлса, судья индамай туриб ҳақиқат тимсоли — худо Маатининг тасвирини унинг лабига теккизган.

Қадимги Вавилон давлатида ҳам суд жараёнида гувоҳлар муҳим ўрин тутган. Уларнинг суддаги кўрсатмалари, қасам, ёзма далолатномалари восита сифатида хизмат қилган. Бу ҳақда тарихчилар суд қайдномалари, гувоҳларнинг исмлари ва уларнинг кўрсатмаларини лойтахтачаларга ёзиб қолдиришган.

Қадимги Ҳиндистонда эса суд жараёнида гувоҳларнинг кўрсатмалари ўзига хос далил ҳисобланган ва бундай ҳолатлар ўз навбатида қонунлар тўпламида қайд этиб қўйилган. Судда кўрсатма беришдан бош тортиш ёки ёлғон гувоҳлик бериш гуноҳ ҳисобланган (Ману қонунлари VIII боб). Гувоҳларнинг кўрсатмаларига баҳо беришда уларнинг қайси варнага мансублиги ҳисобга олинган. Қуйи варнадаги кишилар юқори варнадагиларга қарши гувоҳликка ўта олмаганлар. Ману қонунларида "аёлларга нисбатан — аёллар, шудларга нисбатан тўғрисўз, софдил шудлар гувоҳлик кўрсатмалари берсинлар", деб кўрсатилади (Ману қонунлари VIII боб, 68-модда). Қуллар, қариндошлар ва болаларнинг кўрсатмалари ишончли бўлмаган, шу боис уларга мурожаат этмаган маъқул деб ҳисобланган. Бундан ташқари, манфаатдор шахслар ва ожизалиги туфайли аёллар судда гувоҳлик қила олмаганлар. Фақат тегишли гувоҳлар бўлмагандагина болалар, кексалар, шогирдлар (устозларга нисбатан), қариндош-уруғлар, қуллар ва аёлларнинг гувоҳликка ўтишига рухсат этилган (Ману қонунлари, VIII боб, 70, 71 ва бошқа моддалар). Гувоҳлар умуман бўлмаса, процессуал ҳуқуқда ордалия (синаш) усулидан фойдаланилган.

Қадимги Хитойда судда гувоҳларнинг кўрсатмалари, далилий ашёлар ва қасам далил ҳисобланган. Цинь даврида "агар жиноятчи фош этилса-ю, айбига иқрор бўлмаса ёки суриштирув пайтидаги кўрсатмаларини ўзгартирса" қийноқ усуллари қўлланилган.

Қадимги Афина давлатида эса озод кишилар билан бир қаторда қуллар ҳам гувоҳлик берган. Аммо уларнинг кўрсатмалари қийнаш, тазйиқ ўтказиш йўли билан олинган. Қамчи билан савалаш, нарвонга осиб қўйиш, бурнига сирка қуйиш кабилар қийнаш усуллари ҳисобланган. Бу давлатда ҳам аёллар ва болалар гувоҳликка ўта олмаганлар.

Шуниси ажабланарлики, гувоҳларнинг ёзма кўрсатмалари махсус мис ёки лой идишлар (ехинлар)га солиниб, қулфлаб қўйилган. Бу уларнинг бошқа далиллар тақдим этиши мумкин эмаслигини билдирган.

Қадимги Римда ҳам аёллар ва болаларнинг гувоҳлиги ўтмаган. Фақат озод кишилар гувоҳлик қилиш ҳуқуқига эга бўлишган.

Шарқ мамлакатларидан бири ҳисобланган феодал давлатидаги суд-жиноят жараёнида тан олиш, гувоҳларнинг кўрсатмалари, қасам версиялар далил бўлиб ҳисобланган. Гувоҳ бўлиб 10 ёшга тўлган, илгари судланмаган, фақат мусулмон динидаги ақли расо кишиларгина қатнашиши мумкин бўлган. Қизиғи шундаки, икки хотин кишининг кўрсатмаси бир эркак кишининг гувоҳлигига тенг бўлган.

Хулоса қилиб айтганда, барча давлатларда гувоҳлик бериш, у қайси турда бўлмасин, ҳақиқатни аниқлашдаги асосий восита ҳисобланган. Бу жараённинг бугун ҳам ўз кучини йўқотмаганини айтадиган бўлсак, аждодларимизнинг азалдан ҳақиқат йўлида курашиб келганликларини билишимиз қийин бўлмайди.

Саломат НИЁЗОВА

Муносабат

БЕҲАЁЛИККА ШАФҚАТСИЗ БЎЛАЙЛИК!

Одатда хотин-қизларни гулларга менгзашади. Гулнинг гўзаллиги ранги, ифори билан белгиланганидек, аёлларнинг гўзаллиги ҳам ор-номуси, ахлоқ-одоби билан баҳоланади. Ҳаётда шундай гўзаллик сабаб бахтли-саодатли, чиройли турмушнинг ажойиб бекалари бўлиб яшаган ва яшаб келаётган аёллар жуда кўп. Зеро, оила муқаддас саналувчи бизнинг ўлкада азал-азалдан аёл она сифатида эъзозланган.

"Инсон ва қонун"нинг ўтган сонларидан бирида чоп этилган "Ориятнинг баҳоси қанча?" сарлавҳали мақолани ўқиб, дилим озор чекди. Орамизда мақолада тилга олингандек бехаё аёллар борлигини ўйлаб, уялиб кетдим. Негаки, ўз ор-номусини бозорга солиб, сотиб юрувчилар аёл шаънига доғ туширувчи кимсалардир. Уларнинг беорлиги, беҳаёлиги, юзсизлиги ҳар қандай ҳолатда ҳам қароюзликдан бошқа нарса эмас.

"Севги бозори"да дайдиб юрган баъзи аёллар номуссизлиги жамият кўркини бузади. Насл саломатлигига путур етказади. Ахир, ота-боболаримиз ҳаётида қачон мажмоонларимиз орасидан кимдир бозорга чиқиб ўзини сотганини эслай оласиз! Ҳеч қачон! Бундай ҳол халқимизнинг асрий анъаналари, урфу одатлари, менталитетига бутунлай ётдир. Фақатгина собиқ шўролар тузуми давридаги шарқ анъаналарига мувофиқ бўлмаган нотўғри тарбия туфайли айрим иродаси бўш, саёз фикрлилар беҳаёликни ихтиёр айлаб, бундай шармандали ҳолга тушиб қолдилар, дейиш мумкин.

Мақола муаллифининг фикрларига қўшилган ҳолда, битта таклиф киритишни жоиз деб биламан. Тубанликка юз тутган беҳаёларга қонунчилигимиз нега енгил жазо белгилаган? Яъни улар арзимаган пулни жарима сифатида тўлайдилару жилмайганча яна ўз ишларини давом эттираверади. Мен қонун яратувчилардан бутун жамиятга доғ бўлган номуссизларга қаттиқроқ жазо тури қўллашларини илтимос қилардим.

Лазокат ҚАЮМОВА,
тадбиркор

Бу ажиб дунё

ЎЛИМИДАН СЎНГ... ЯНА МАКТАБГА

Руминиянинг Манени қишлоғидаги ўқувчилар одам (анатомия)ни ўзларининг собиқ директори суяк танаси (скелети) ёрдамида ўрганишмоқда.

Алеку Константин узоқ йиллар Манени қишлоғидаги унча катта бўлмаган мактабда аввал ўқитувчи, кейин раҳбар бўлиб ишлади. Ўз касбига ҳаддан зиёд содиқ бўлган бу зиёкор ўз танини таълим эҳтиёжи учун васият қилди.

Мана, ўлимидан бир неча йил кейин собиқ раҳбар яна ўз мактабига — бу сафар ўқув қуроли сифатида қайтди. Алоҳида хонага ойна ичига қўйилган ўқитувчи — раҳбарнинг суяк танаси ўқувчиларнинг бир неча авлодига кўргазма бўлиб хизмат қилди (Алеку 1950 йилда қазо қилган).

ҲАМ ҚОТИЛ, ҲАМ ЖАБРЛАНУВЧИ

Путятино қишлоғи (Россия) кўчасида уч бола ўйнаб ўтиришган эди. Озгина қизиб олган «Жигули» ҳайдовчиси жонажон қишлоғида бир сайр қилиб келиш учун чиқиб, қўшни болаларини босиб кетди.

Оғир айбини ҳис этган енгил машина ҳайдовчиси ўзини-ўзи ўлимга ҳукм этди ва ёнидан ўтаётган «МАЗ» русумли машина остига ўзини ташлади. Зарба қаттиқ бўлганига қарамай, енгил тан жароҳати олди, холос. Лекин «МАЗ» ҳайдовчиси қаттиқ асабий ҳолатга тушиб, касалхонага ётқизилди.

(ОАВ материаллари асосида)

1996 йилнинг январидан нашр этилади
ИНСОН ва ҚОНУН
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

МУАССИС
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир
Шодиқул ҲАМРОЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ
Ғайбулло РАҲИМОВ
Шуҳрат РЎЗИНАЗАРОВ
Эркин ҚУДРАТОВ
Аслиддин БОЛИЕВ
Абдил ТЎХТАШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Шуҳрат ФАЙЗИЕВ
Ғафур АБДУМАЖИДОВ
Ҳусан ИБРОҲИМОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Ислом ҲАМРО
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Нормейли НОРПЎЛАТОВ
Миршоҳид МИРҲАМИДОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида «Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-3143. Тиражи-10.000.
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 0.00

Навбатчи:
Х. НОРБОЕВ
Компьютерда оригинал макет тайёрловчи:
Д. БЕКМУРОДОВА
Компьютер оператори:
М. ДЎСТОВА

МАНЗИЛИМИЗ:
700047,
Тошкент шаҳри,
Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 132-14-18
(умумий бўлим),
133-70-65

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.